




O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan • 2005-yil, 3-noyabr • № 45 (3822)

"ИЙДКИМ, ХАЛҚИ ЖАҲОНГА БОРДУРУР РЎЗИ САЪИД"

Фуркат бобомизнинг ушбу эътирофи «ийд» — хайитнинг «рўзи саъид» — саодат айёми экани ҳақиқатдир. Аслида ҳам шундай. Сабаби, бир ой давомиди аймон ва умид ила тугилган рўза, қилинган ибодатлар шарофати ила биллиб-билмай йўл қўйилган саҳу хато, гуноҳлардан покланмоқ — саодат аломатидир. Ҳаёт билан инсон дилида моддий имконияти чекланган жинсдошларига нисбатан шафқат ва муруват туйғусининг жўш уриши, натижада одамлар ўртасида меҳр-оқибатнинг зиёда бўлиши — саодатдан нишондир. Ҳаво нафсадан ғолиб бўлиш, кўнгилда тақво сифатининг камол топиши — айни саодатдир. Ҳақ таоло амрини адо этиш самараси ўлароқ жисмининг турли иллатлардан фориғ бўлиши, саломатлигининг мустаҳкамлиши — саодат белгисидир. Ушбу хайрли амаллар боис Яратганининг ажри — муқофотиға сазовор бўлиш — чинакам саодатдир. Шунинг учун ҳам хайит — улғу байрам. Кўнгилларга шодлик улашадиган, сурур бағишлайдиган байрам.

Ҳаёт биз уйлагандан кўра мураккаб-роқ. Кувонч ва қайғу, шодлик ва андуҳ ёнма-ён юради. Бу йилги Рамазонда кўп кувончли воқеалар қатори оғир йўқотишлар ҳам бўлди. Адабиётимизнинг икки йирлик намоёниси — Ўзбекистон Қаҳрамони устоз Озод Шарофидинов ҳамда халқ ёзувчиси Неймат Аминов айни шу ойда божий дунёга кўчдилар. Тубийи, бу мусибат адабиётга, маънавиятга дахлдор ҳар бир кишининг қалбини изтиробга солди. Лекин кўнгил-



Бугунги кунда телекўрсатувлар сони ортиб бораётгани ҳолда, мавзулар доираси торайиб кетаётгандек туюлади. Яқин кунларгача миллий кадрларимизни тиклаймиз деб «Келин салом», «Бешик тўйи», хуллас, қайнона-келини муносабатиға доир турли кўрсатувларни телеэкранга олиб чиқиш аънамага айланган бўлса, эндиликда қайси кўрсатувни кўрманг, қийиниш маданияти ҳақида баҳс-мунозара юритиш урф бўлмоқда. Гўё, ҳозир бош қотириш учун бундан-да муҳим бошқа мавзу йўқдек. Бир телеканал кўрсатувларида айтаётган фикрларни иккинчи телеканал дастурлари такрорламоқда.

Биз бу билан хотин-қизларга тегишли мавзуларнинг муҳокама қилиниши таъқиб-лаб қўймоқчи эмасмиз, лекин ҳар бир нарсанинг меъёри бўлгани маъқул. Меъёрдан ошдими, табиийки, акс таъсир қилади. Қолаверса, сўзинг қадри қолмайди. Афсуски, бу борада телеканаллар «бир ёқадан бош қикариб» ўзаро ҳамжихатликда ишлаётгандек. «Аёл киши қандай қийиниши керак?», «Аёл устун бўлиши керакми, эркекми?» ёки янада соддароқ қилиб айтганда «Аёллар ишлаши керакми ё уйда ўтирганилари маъқулми?» сингари муаммо

си устун эди. Ҳар қандай сохталик ҳақиқатни, ишончли эмирани. Бу каби кўрсатувлар билан телеижодкорлар томошабинларни ўзларидан узоқлаштирадilar. Фақат самимиятга томошабинни ушлаб туриши мумкин. Таниқли тележурналист Нодир Жонузқоннинг «Гап чиқди» кўрсатуви киришга, очиги, ҳушим йўқ. Чунки унинг номидек одадаги маиший машмашаларни эслатади. Шундай бўлса-да, ушбу кўрсатувнинг мухлислари оз эмаслигини инкор қил-

лисларини ҳамдардликка чорлайди. Манзура опа умр йўлдошини хотирлаш баҳонасида ҳаётидаги энг муҳим, қадрли билан лаҳзаларни, яъни шоир билан учрашгандан то

ТОРНИНГ ЧЎМИЧДАН ФАРҚИ...

Камтарин санъаткорлар ҳақида гап кетганда, мухлислар кўпинча Комилжон Отаниёзовни, Жўраҳон Султоновни, Маъмуржон Узоқовни ёдга олишади. Ҳаётлик чоғларида уларни ҳеч ким «санъатимизнинг буюк юлдузлари, бетакрор истеъдод соҳиблари», деб улуғламаган. Бунга эҳтиёж ҳам бўлмаган. Чунки улар оддий, Яратган эгам инъом этган фавқуллода истеъдодларини айтмаса, сизу биз каби жўнгина одамлар эди. Шу боисдан ҳам ҳаётлари паст-баландсиз, бир текис кечган. Одамлар орасида эл қатори умргузаронлик қилишган. Юриш-туришда, қийинишда, муомала маданиятида заррача бўлсин алоҳидалик, қириш ҳаво бўлмаган. Мухлислар уларни тинглашган, гўзал хонишлари юрак-юракларга малҳамдай етиб борган ва шу жойда нақш болаган.

Улуғ санъаткорлар камтарлиги, каттаю кичикка, бойваччаю ўртаҳолга тенг муносабатлари, зарур ҳолларда ўзлари каби оддий ва одми одамларга кўпроқ эътибор беришлари билан ҳам ном қозонишган. Эл хизматида бўлганларида, нуносноб хатти-харакатлар қилишмаган, иззат-таъаб ҳам бўлишмаган. Айтилган жойга вақтида ўзлари, тан қўриқчиларсиз бораверишган, тўй эгаларини, қариндошларни ўртага чақириб, пул йиғишмаган. Кўзлари тўқ бўлган. Пул деган сабил қолгур кимга ёқмайди дейсиз, аммо улар пулни маккор жозибасига унишмаган.

Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султоновлар пайтида саҳнада ҳеч ким сохтакорлик қилмаган. Овози, истеъдоди бор одам ўртага чиққан, тунмон тингловчини сел қилиб қўшиқ қўйлаган. Овози зўқ, умрида қўлига қолғу асбоби ушламаган одамлар эса бошқа ишлар билан шугулланишган. Уша пайтлари ҳам боғларимизда анвойи гуллар барқ уриб очилиб турган, керак бўлса, қучоқ-қучоқ олиб келиш мумкин эди. Аммо концерт залларида бугунгидай сохта гулбўлиб урф бўлмаган.


Қариндош-уруғ, тоға-жиянлар, эндигина йўлга қирган набиралар саҳнага гуррас-гуррас чиқиб, ашула айтиб турган ҳофизнинг бўйнига гулчамбарлар илишмаган, қўлпўлатиб ўпишмаган, энгига ким ўзарга зар чопон ёпишмаган. Устоз санъаткорлар саҳнада бундай бемазагарчилик қилиш томошабинга нисбатан ҳурматсизлик, ғирт шармандалик бўлади-ку, деган ҳаёлга боришган.

Бу ҳам майли, авваллари ҳофиз деганининг саҳнадан бемалол пастга тушиб, олдинги қаторда виқор билан ўтирган ҳешу акроболариға, қўда-андалариға, маҳалла чойхонасидаги улфатлариға қилиб-буқилиб салом бермаган, волида муҳтарамасининг ёнига келиб, худдики онаси билан тасодифан шу жойда учрашиб қолишгандай, бир-бирларини бағирлаб босишмаган. Она ҳам ўли санъаткор бўлганини, унча-мунча жиғий қилиб туришини худдики бугун, шу ерда билаётгандай, болаларини ялаб-юлкамаган. У пайтларнинг оналари анча вақтин бўлишган шекилли-да.

Аваллари қўшиқ қўйлаётганда, ашула айтаётганда, биров овоз чиқармаган, саҳнада турган ҳофиз боланинг олдиға қўтарилиб, белидан маҳкам ушлаб суратга тушмаган. Қўлоғига бир нималарни шивирламаган. Томошабинларнинг қий-қувидан илҳомланиб санъаткор биродарини даст қўтариб, бир-икки айлантириб қўймаган. Негалигини тахмин қилиш мумкин. Улар жуда уятчан бўлишган назаримда, концерт билан циркдаги масхараболликнинг фарқиға боришган. Завқлари келиб кетса «дўст» деворишгану шу билан ҳуррлари босилган.

У пайтлари ҳофизлар саҳнада қўшиқ қўйлашган. Оғизларини шунчаки қимирлатиб туришмаган. Одоб-ахлоқ ҳақида маъруза ўқишмаган. Гинахонлик қилишмаган. Ашула қолиб кетиб, ҳамкасб дўстларининг боғига тош отишмаган. Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султоновлар «клип»ларни билмай ўтиб кетишди... Комилжон ҳофиз, Маъмуржон ҳофизлар пайтида телевидение ва радио бу қадар ривожланмаган эди. FM каналлари ва улрадига сўзбозлик бировнинг ҳаёлиға ҳам келмаганди. Битта қўшиқ бугунгидек бир кунда йиғирма-ўттиз марта эмас, ҳафта-ўн кунда бир марта эфирға қўйилган ва соғинч билан тингланган.

СЎЗ ЗАРГАРИ ҲУЗУРИДА



ий асарлари қаторға қўйилса, улғу қарвон бўлади. Ноширлик ишлари эса зиёли инсон умрини безайдиган алоҳида боб. Ижод — табиатнинг юзаға чиқиши. Бадий таржима ҳам худди шундай. Ваҳоб Рўзиматовнинг тилларға тушган истеъзоси, нозик кинояси, инжа қочиримлари камон ўқидай сўзларға айланган. У Марк Твен, Расп, Свифт, Родари, Шолохов, Симонов, Конан Дойллар, не-не мумтоз адибларни бекорға таржима қилган дейсизми? Юрағиди ўтли киноларини намён қилиб, теле-томошабинни қойил қолдираётгандек. Лекин бу билан нима ўзгаради?

Анчадан бери тўшакка михланиб ётган Ваҳоб акамнинг ёниға тоғ-тоғ уюлган китоблар орасидан ўтиб бордим. Фақат кўҳна китоблар исми анқиган тахламлар орасида устоз ҳам 84-саҳифаси очилган сарғайган улғу бир китоб каби ётарди. Уни қизи Севара уйғотди. Ижодкорнинг баҳори кетиб кузи келган, у сокинроқ гўшада лангар ташлайди. Ёзувчи, атоқли таржимон Ваҳоб Рўзиматов олтинчи қаватдаги ижодхонасидан чиқмай қўйганиға хийла вақт бўлди.

Шухрат Ваҳоб Рўзиматовни беҳад қадрлардilar. Унинг қомусий биллими-лари, маълумотлар ҳазинаси эканлигиға тан берардilar. Устоз шу ётишда ҳам ижоддан тўхтаган эмас. Миеси Гейтснинг энг замонавий компютердаи тинимсиз ишлаб туради. — «Ёниға ағдариллишни ўрганайман. Қўл қалтирайдми. Окиси, биров ёзиб турса, мен айтиб турсам. Шу ётишимға турмасам, ким деган одам бўлдим...» Унинг юлқа лаби четиди волтерона табассум уйнайди. — «Казановани ўқияман қариганда... Саъдулла Аҳмад кўтариб келди. Олмос, Хондамир, Шарофиддин йўқлаб туришади. Хирургимни кутаяман. Шояд туриб кетсам...» — Ваҳоб ака, ҳали кўп бирға сайр қиламиз. Кўп ёзасиз ҳали, — дейман хайрлаша туриб. — «Қайдам...» — дейди синик жилмайиб адиб.

Неча йилдири, оқсоқол керакли китобни ахтариб тойиб йиқилди-да, бўксаси оғир синди. Мардона, матонатли одам эмасми, хасталикка таслим бўлмади. Кетма-кет қувалашиб келган қийинчиликларға қўксини тутиб берди. Умирида нолимайдиган одам ишқалларни истеҳза билан ёнди. Унинг 30-йиллардан бери ўқувчиларға тақдим этайтган таржималари, бади-

ри асарлари бўйича тузган «Санглох» («Тошлоқ») лугатида хумо қушининг ўзбекчасини шундай изохлайди: «Бугдойиқ — номи паррандастии онро хумо гўянд». Демак, хумонинг ўзбекчаси — бугдойиқ.

СОХТАЛИК ИШОНЧНИ ЭМИРАДИ

қилиб кўтарилган тўмтоқ саволларға нотиклар ўзларининг қай даражада сўзға чечанликларини намён қилиб, теле-томошабинни қойил қолдираётгандек. Лекин бу билан нима ўзгаради? Яқинда намойиш этилган бир кўрсатувда, одадагидек, аёлларнинг қийиниши муҳокама қилинди. Қора курсида икита аёл курсида ўтирган замонавий қиз ўзинг нисбатан отилган тошлардан хулоса чиқариб, кўрсатув охирида айб-ларига иқдор бўлди. Бу атрофидигилардан уни кечиринчларини сўраб таъба қилди. Бу «адашган қиз»нинг нигоҳида таъба-тазаруудан қора ролини қойилмақом қилиб ижро этайтган актрисанинг мамнун чехра-

майман. Эҳтимол, мени айнан унинг «Гап чиқди» деган номи ўзидан узоқлаштирган бўлса, бошқаларни айнан шу ном тортган бўлиши мумкин. Лекин Нодир Жонузқоннинг 1 октябр кўни намойиш этилган марҳум шоир Шавкат Раҳмон хотирасиға бағишланган «Йиллар армони» муаллифлик кўрсатуви мени ўйлатибгина қолмай, юрағимға ўзининг дарду дунёси билан кириб келди. ... Армон — осмон қадар баланд, чек-чегараси йўқ, бешоб орузларнинг йилларға айланаётган ўқинчи. Бу йиллар армониға фақатгина инсон матонати дош бера олиши мумкин. Матонат эса қалб изтиробларини ўзида акс эттирган хотиралар зва-

нинг сўнги дақиқаларигача бўлган дамлари яна бир бор руҳан яшаб ўтди. Бошловчининг ўзи тан олганидек, қайтиб келмас, лекин абадийлик айланган сонияларни хотирлаш аёл киши учун худаям оғир эди. Аммо бир нарсани унутмаслик жоизки, катта истеъдодлар қисмати фақат ўзиникиға бўлмасдан, миллатнинг ҳам қисмати бўлганидек, Шоирнинг сирлари, у билан боғлиқ хотиралар ҳам шахснинг ўзи билангина чекланиб қолмайди. «Йиллар армони» кўрсатувидаги кўз ёшлар самимийлиги билан ҳам юракка ақин келди.

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ЖУРНАЛИНИНГ 2005 ЙИЛ 4-СОНИ НАШРДАН ЧИҚДИ.

Журналнинг янги сони таниқли олим Наҳиддин Комилжоннинг «Хоразм Маъмуржон ака» деб номини 1000 йиллигиға бағишлаб ёзилган «Беруний ва бадий ижод» мақоласи билан очилади. «Беруний ўз ишларида бадий адабиётдан, асосан, илмий мақсадлардагина фойдаланганиға қарамай, бу усул кўп ҳолларда олимни беихтиёр шеърини парчаларининг эстетик қиймати, бадий хусусиятлари, шоирлар маҳорати тўғрисида ҳам фикр юритишга олиб келади», деб ёзди муаллиф. «Адабиётшунослик» рўқнида сиз Н.Каримовнинг «Олимнинг илмий олами», Э.Очиловнинг «Шарқ адабиётида рубоий ва уни ўрганаш муаммолари», Ж.Эшонқулнинг «Тушининг семантик таққини» ва Р.Тожибовнинг «Мингбоши ҳақида қасида» сарлаҳали тадқиқотлари билан танишасиз.

Журналнинг баёранида...

«Тилшунослик» рўқнида эса ушбу соҳанинги икки забардаст вақили, таниқли олимлар — А.Ҳожиёвнинг «Тил қурилишининг асосий бирликлари юзасидан мулоҳазалар» ҳамда Э.Тожиёвнинг «Ўзбек тилида гап ва гап бўлакларининг мақоми масаласиға доир» мақолалари эълон қилинган. Ҳар гапидек, журналнинг ушбу сониди ҳам бир гуруҳ ёш адабиётшунос ва тилшуносларнинг илмий ахборот характеридаги мақолалари эълон қилинган. Бу мақолалар Камо ижоди ва ўзбек адабиёти, лирик «мен» табиати, бадий башорат — адабиётнинг функцияси сифатида, «Шоҳнома»даги Жамшид образи, «Тоҳир ва Зухра» достонида сандик тисмоли ва бошқа шу каби кўлаб ранг-баранг мавзуларға бағишланган. «Мерос» рўқнида «Олтин ёруқ» асарининг давомини ўқийсиз.

ХУМОНИНГ ЎЗБЕКЧАСИ БУГДОЙИҚ

Мен захматқаш олим Бойбўта Дўстқороевнинг «Она тилим залворлари» («УЗАС», 2005 йил 2 октябр) мақоласини мароқ билан ўқидим. Мақолага қўшимча қилмоқчиман. Уни саккизинчи асрнинг машҳур лугатшуноси Мирза Муҳаммад Маҳдихон Алишер Навоий ва бошқа ўзбек шоирла-

ри асарлари бўйича тузган «Санглох» («Тошлоқ») лугатида хумо қушининг ўзбекчасини шундай изохлайди: «Бугдойиқ — номи паррандастии онро хумо гўянд». Демак, хумонинг ўзбекчаси — бугдойиқ.

Эргаш УМАРОВ

Севимли «Тафаккур» журналистнинг навбатдаги сони босмадан чиқди. Одатдагидек, унда журналхонлар эътиборига бир-биридан қизиқарли, ранг-баранг мақолалар ҳавола этилган. Султонмурод Олимининг «Матрифатнинг юки оғир», Нурбой Абдулҳакимнинг «Озодликка тўланган тово», Дилором Алимовнинг «Жадидчилик ва диний бағрикенглик», Қозоқбой Йўлдошевнинг «Ўзганинг руҳини англаш йўли», Охунжон Сафаров ва Аҳмад Жумаевнинг «Тумариснинг ватани қаер?», Дилрабо Мавлонованинг «Муҳйи Хўқандий мероси» мақолалари журнал муҳлисларига манзур бўлиши шубҳасиз. Журналнинг бу сониди, шунингдек, Чингиз Айтматовнинг «Бололигим» сарлавҳали хотираларининг давоми (Нурали Қобул таржимасида), Муҳаммад Алининг «Қалбимда давримнинг жароҳати бор...» эссеси, Сирожиiddин Саййиднинг янги шеърлари ҳам эълон қилинган.

Куйида журналнинг ушбу сониди эълон қилинган айрим мақолалар билан танишасиз.

нидан қабул қилинган қонунлар ҳақида ёзган хатиди — 1811 йил 27 августда қўллаган.

«Шаҳарда иккинчи бўлгандан кўра, қишлоқда биринчи бўлган афзал».

Қадимги Рим тарихчиси Плутархнинг ҳикоя қилишича, Юлий Цезарь Альп тоғларига тулаш кўрмисиз бир макондан ўтиб бораётганда бундай деган экан: «Мен Римда иккинчи бўлишдан, мана шу жойда биринчи бўлишни афзал кўраман». Цезарнинг ушбу гапи озгина ўзгартирилиб, шухратли растилик тимсолига айланган.

«Маор ўз ишини қилиб бўлди,

дний театр бошқаларидан спектакль томошабин залга кириши биланқош бошлангани билан фарқ қилади. Чунки сиз томошабинни биринчи бўлиб кўтиб оласиз...» Айримлар бу фикр театр асосчиларидан яна бири В.И.Немирович-Данченкога тегишли деб ҳисоблайди. Бироқ унинг асарларида бу гап умуман учрамайди. Ҳар қалай, мазкур ибора театр, санъаткор ва томошабин маданияти ҳамда савиясини ифодалайди.

«Фақат ўлиқларгина қоча олмайдими».

Бу ибора муаллифи француз сиёсат арбоби Бертран Барердир (1755-1841). Наполеон тож-тахтдан айрилиб, Муқаддас Елена оролга сургун қилинган чоғда, инглиз кўрикчилари соёқ император яна қочиб кетиб, тахтга қайтишидан кўриб, уни қаттиққўллик билан кўриқлаган. Бундан ранжиган ҳукмдор уларга бундай деган: «Менинг қочиб кетишимдан чўчи-масликнинг биргина йўли бор, холос. У ҳам бўлса, мени маҳв этишдир. Фақат ўлиқларгина қоча олмайдими».

«Фақат биринчи қадамни қийин қийин».

Дастлаб Вольтер ва шу каби буюк инсонлар билан ёзишмалари орқали машҳур бўлган маркиз Дюдефан (1697-1780) айтган бу фикр барча халқларда машҳур.

«Хато қилиш — инсонга хос хусусият».

Илк бор милодгача яшаб ўтган юнон шоири Феогнид асарида учрайди. У; «Дўстларингизнинг ҳар бир хатосидан аччиқланаверсангиз, дўстисиз қоласиз, чунки тирик жон хатолардан холи бўлмайди», деган. Кейинчалик бу иборанинг бошқа вариантлари Еврипидда (милодга қадар 480-406) «Хато қилиш ҳар бир инсонга хос хусусият», Цицеронда «Хар бир одам хато қилади, фақат аҳмоқгина ўжарлик билан ўз хатосини тан олмайдими» деган мазмунда учрайди.

«Биз ҳаммамиз Гоголнинг «Шинель»идан чиққанмиз».

Узоқ вақт мобайнида бу ибора Ф.М.Достоевскийга нисбат бериб келинган. Адабиётшунос олим С.А.Рейсер бу фикр муаллифи француз танқидчиси Эжен Волюэ эканини исботлаган. Эжен Волюэнинг «Ҳозирги замон рус ёзувчилари. Толстой-Тургенев-Достоевский» асарининг рус тилига нутқри таржимаси туйғайли Достоевский бу ибора муаллифи айланган.

«Бой берилган аялод».

Илк бор америкалик ёзувчи Э.Хемингуэйнинг (1899-1961) 1926 йили нашр этилган «Кўёш бариб чиқараверади» романида учрайди. Бу ибора беаъни ва бесамар урушлар, турли ёлгон сиёсий куткуллар гирдо-бига тортилган авлодларнинг бекор кетган умри, вақти ва фаолиятига нисбатан айtilган.

ЁНИК ҲАЁТ ИШТИЁКИ

Баъзан инсон бор-йўғи ярим соатни қандай ўтказишни ўйлаб, дилтанг қилади. Энди ярим аср бунинг олдида қанча давр эканини кўз олдингизга келтиринг. Эллик йил ҳам-ку гиз этиб ўтар-кетар. Лекин бир йилгит умричалик даврни садоқат ва сабр-тоқат билан бир буюк ёзувчининг ижодини эринмай ўрганишга бағишлаш айтишгина бора осон.

Замон ўзгарапти. Бундан кейин бир тадқиқотчининг селван адибига яна шундай содиқлиги қачон юз беришни тасаввур келтирсак, академик Матёқуб Қўшоновнинг Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳаёти ва ижоди тадқиқи борасидаги кўп йиллик фаолияти қанчалар катта аҳамиятга эга экани ойдинлашади.

Устоз олимнинг Ойбек ҳақидаги янги мақолалардан иборат тўплами кўлёмасини ўқиб ёзилган мулоҳазалар ана шу сўзлар билан бошланган эди. Уч-тўрт варақлик бу материал тайёр бўлгани мана бу нухсасини «Маънавият» нашриётига етказиб, иккинчисини уйга олиб кетдим.

Мақсад бамайлихотир телефон орқали ўзларига уни ўқиб бериш эди. Янгамиз домланинг одатдаги даволаниш учун касалхонага ётганларини айтдилар. У кишидан ваъда бажарилгани, матн нашриёта топширилганини домлага етказишни сўрадим.

Орада меҳнат таътили ўтди. Югур-югурлар билан кўришга ҳам ултмабман. Эртага — иш бошланган кун биринчи бўлиб шу чала қолган юмушни амалга ошираман, яъни мақола-ни телефон орқали ўқиб бераман, деб ният қилиб турганимда Нусратулла Жумаҳужа таъзияда кўринмаганимни айтиб қолди...

Ҳаётлари чоғлариди ёзилган мақола хотира тарзида чоп этилиши тўғрисида ҳам кўришган экан. Инсон ҳаётининг қаламга умрига қиёсланиши беҳиз эмас-да.

...Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталаридан 80-йиллар ўрталарига қадар Матёқуб Қўшонов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳозирги Алишер Навоий номидидаги Тил ва Адабиёт институти бошқардилар. Уша йиллари домла қисқартириш баҳонасида иш бермайдишган анча ходимлардан қутилиб, биз — бир гуруҳ ёш адабиётшунос ва тилшуносларни ёлпасига ишга қабул қилган эдилар. Сувон Мелиев, Зухриддин Исомиддинов, Нусратуллох Жумаҳужа, Маматқул Жураев, Акиф Багиров, Алимилла Ҳабибуллаев, Раҳматулла Баракаев, Мирзааҳмад Олимов ва бошқа адабиётшунослар шу даврда илмий тадқиқот майдонига кириб келган.

Директоримизнинг: «Адабиётшунос кунига қамиди бир варақ ёзиши керак!» деган қатъий шорлари бор эди. Бу ўзлари доим амал қилган жиддий қатъият эди. Уша йилларнинг газета-журналларини варақласангиз, кўрасиз — устоз энг фаол мунаққидлардан бири эдилар. Биз у кишига ҳавас қилар эдик.

Энг муҳими, илм аҳли бу олимни ҳақиқий ойбекшунос сифатида яши танир эди. Номзодлик диссертациясини ҳам Ойбек ижоди асосида ёзганларини билар эдик.

Адабиётшунос қандай ижодкор бўлиши керак?

Бу савол, бир қарашда, жуда сийқа, умумий бўлиб туюлиши мумкин. Лекин, аслида, жиддий, ўйлангирдиган, ўринли савол. Албатта, адабиётнинг даргоҳи жуда кенг. Жаҳон сўзи санъатининг, лоқал, энг машҳур асарларини ўқиб, «ҳазм қилиш» ҳам ҳар кимга насиб этавермайдиган улкан меҳнат. Шунинг учун аксар адабиётшунослар тадқиқотчи сифатида кўпинча бир йирик қаламхак ижодига ихтисослашади.

Бу ҳол тадқиқотчининг тор дунёга солиб қўйиши ҳам мумкин, албатта. Бироқ, яхшилиги шундаки, у адабиётнинг хусусиятларини бир сўз устаси мисолида чўқур ва атрофича билади, ижод қонунлари, шахс ва қалам, ижодкор ва давр муносабатларини муайян адабий ашё мисолида кузатиш имконига эга. Бу аса бошқа адиблар, булак давр, ўзга адабиёт хусусиятларини ўрганиши ёки кузатиши учун жуда-жуда кўп келади. Чунки унда тайёр қилинган, аниқ нуктаи назарлар, бадий асарга баҳо бериш мезонлари шаклланган. Буларнинг ҳаммаси кейин жуда иш беради.

Шу маънода устознинг ўзлари кўпгина ўзбек, айрим жаҳон адабиёти вакиллари ижодини таҳлил қилаётганларида «Ойбекнинг дурдона асарлари ўлчов намунаси сифатида» кўз олдиларида турганини қайд этганлари беҳиз эмас.

Оқориқда тилга олинган тўплам домланинг кейинги йилларда Ойбек ҳақида ёзилган мақолаларидан жамланган. Уларда муаллиф Ойбек шахси ва ижодига баҳо беришда ҳам, асарларни говий-мафқуравий жиҳатдан таҳлил қилишда ҳам янги йўл тутади, яъни ўзини таъминан эркин сезади. Шунинг учун илгариги китоблариди айтилмаган, имкони бўлмагани учун айтилаб қетлаб ўтилган айрим масалаларга оидинлик киритади.

Бу мақолаларга хос энг муҳим фазилатлардан бири — қиёс. Бу асар билан асар, давр билан давр, жанр билан жанр, ёзувчи билан ёзувчи, ҳатто, ўзининг аввалги фикрлари билан ҳозирги мулоҳаза-хулосалари ўртасида кечадиган солиштиришлар тарзида кечади.

Масалан, «Кутлуг қон» билан «Навоий» — бир қаламдан чиққан. Ёзилиш даври ҳам бир-бирига жуда яқин. Лекин ўзара кескин фарқ қиладиган даврлар қаламга олинган, йўналишлари ҳам ҳар хил. Қиёс тадқиқотчида шундай тафовутлар зимнидаги ақинликларни илғаш имконини беради. «Кутлуг қон»да адиб ижод қилиб турган давр руҳи, гоёси қанчалар акс этганини ҳис қилиш, тўшуниш осон. Бироқ «Навоий»да ҳам зимдан муаллифининг урушга қарши нафратини илғаб олиш учун чинакам адабиётшуносни хос зуқулки зарур.

Шўро замони тугади. Унга таъминан тескари бўлган янги тузум барпо этишга киришди. Очиги, асарият тасаввур, қараш, нуктаи назарларининг оёғи осмондан келди. Бу, ўз-ўзиндан, ўша даврда ҳукмдор мафқура исқанжаси ёки қамиди унинг таъсирида ёзилган бадий асарларга муносабатда ҳам кўринди.

Бу борада кўп тамойиллар кўзга ташланди. Эски асарларнинг янги замондаги айрим талқинларида тадқиқотчининг қайси маконда туриб фикр юритаётганини ҳам сезмай



роқ қилиб қўяди: «Мирзакаримбой пул йиғида, бойлик орттирди, бироқ бу бойликни у ишга солишга одалган. Е савдо қилиб, пул ундиради, ё бирор-бир ишлаб чиқаришга сарф қилибди, маблагини айлантиради. Бугунги пуддорларимиз эса уй қуриш билан банд. Уларни бир-икки қаватли эмас, балки уч-тўрт қаватли иморатлар қизқитиради. Одатда уларнинг асарият қисми ишлатилмайди, яъни иқтисодчилар тили билан айтилганда, «Улик капитал». Бунинг ўрнига, қарқ истемоли учун зарур биров нарса ишлаб чиқаришга сарф қилишнинг ҳаёлига келавермайди. Мирзакаримбой типидида бойлар эса бу хилдаги ўлик капитални сақлашдан ўзини тийди. Шу маънода бойлик, халққа хизмат қилиш йўлиларини билиш керакка ўхшайди. Масалан, оиласи икки-уч кишидан иборат бўлган пуддор учун тўрт қаватли иморатни зарурлигига менинг ақлим етавермайди. Бунинг ўрнига бирор кичик қорхона қуриб, уни ишга солиб, айтилган, мимхи, гургурти ёки озиқ-овқатни ишлаб чиқарса, халққа, жамиятга кўпроқ фойдаси тегмасми?»

Матёқуб Қўшонов ўтўсгона ақинлиги қолган эдилар. Иккинчи жаҳон уруши жанг-ларида «пишиб», кейин ўзларидан ўш ёшлар кичик талабалар (масалан, Озод Шарафиддин) билан ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетида таълим олган. Биринчи мақола-лари чиққанда ёшлари ўттиз билан қўрқин ўрталарида эди. Албатта, чечоққ оила қурганлар ҳам.

Буларнинг бари — ҳаётга қучли иштиёкнинг кўринишлари.

Матёқуб Қўшоновдек урушда қон кечиб, кейин ҳам олтиш йилга яқин ижод билан муносабат таъминан охотхонларни кўриб, бу фақат ҳаётгагина эмас, шу билан бирга адабиётга, демаки, ижодга, гўзалликка иштиёкнинг ҳам меваси бўлса керак, деб ўйлайман.

Шунинг учун ҳам элликдан ўтиб-ўтмай «қаримди» дегувчиларни, очиги, жиним суймайди. Ҳаётнинг умр, хусусан, тарих олдида амалда майда-чуйда ҳисобланмиш турмуш ташвишлари гами ўрнида қабул қилиб, ёшлайин юрғани чангаллаб юрганларни ҳам ёқтиригим келмайди. Замоннинг ўзгарганини баҳона қилиб, ҳаётнинг аризмас нёъматларига қаламини алмаштирганларга-ку муносабат тайин.

Сўфийлар ҳақидаги таъкирларда бир ажиб қоида бор. Ҳар бир шайхдан қолган энг муҳим ҳаётий-фалсафий хулоса берилади. Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс...»ида ҳам, Алишер Навоийнинг «Насоий ул-муҳаббат...»ида ҳам бунинг ёрқин намуналарини кўраемиз. Матёқуб Қўшоновдан аштитган шундай ҳикमतлар борки, улар бир умр кўнгилда муҳрлаб қолган:

«Отам меҳнатхак одам эди. Бир гал бирга ўчоқ қурганмиз. «Лоини шундай ургин, деворча шундай маҳкам ёпишсинки...» — деган. Бу ўғитга ҳозиргача амал қиламан: қаламхакнинг лойи — жумла. Шундай «уриш» кераки, уни ҳеч қим — валломат муҳаррир ҳам жойидан қўчириб ололмасин!».

«Сиз — ёшлар вақтингиз қадрини билмайсизлар. Ҳаммамиз шу — олтиндан қиммат нёъматининг қўлини беҳудага сарфлаб юборганимизни кеч англаймиз».

«Тарқиз — танқидчиликнинг онаси. У муайяналик, аниқ асар, китоб ҳақида туртилган мулоҳазаларни тартибга солишга ўргатади».

«Адабий жараёнга аралашмаган, у билан бирга юрмаган адабиётшунос ҳаётдан узилади, китобхонни унутиб қўяди, унинг дилига йўл тополомайди».

Домла ҳаётий таъкирларидан келиб чиққан бу хулосаларга қатъий амал қилар эдилар.

Уруш жангини онгига, истаъимизни-йўқми, ўлим дахшатини муҳрлаб ташлайди. Улимдан бошқаси эса ҳеч бўлиб қолади. Инсоннинг биргина имконияти бор — қўлидан келгани қадар ўлимни узоқлаштириш. Узоқлаштиришда ҳам охирига нафасгача фойдаланган меҳнат қобилиятини сақлашда ҳолда узоқлаштириш.

Матёқуб Қўшонов учун меҳнат ва ижод умри узайтиришнинг энг муҳим йўли бўлиб хизмат қилгани оқсак даражадаги иштиёкнинг — ҳаётга ёниқ муҳаббатнинг ҳосиласи эмасми?!

«АФЛОТУН — ДЎСТИМ...»

Кўнлардан бирида журналист дўстлар даврасида машҳур бир ибора муаллифи устида баҳс кетди. Турлича мулоҳазалар айтилди. Лекин ҳақиқат ойдинлашмай қолди. Шу воқеадан кейин одамлар орасида машҳур бўлиб кетган иборалар ва бадий асарларда қўлланганидан «учқур сўзлар» тарихи билан қизиқиб қолдим. Тарих, адабиёт, фалсафа, сиёсат ва санъатга оид кўпмакитобларни титқилаб, амин бўлдими, кўпинча бундай иборалар ноҳисса қўлланар экан. Улар зармиридаги ҳақиқатни деярли билмас эканмиз. Бирор теран фикр ёки иборанинг илк бор ким томонидан, қачон ва қай муносабат билан айтилганини аниқлаш учун бир дунё китобни кўздан кечиришга тўғри келди. Уларга шарҳ беришда ана шу манбаларга таяндик.

Таржимон

«Афлотун — дўстим, аммо мен учун ҳақиқат устун».

Юнон файласуфи Афлотун (эра-мизга қадар 427-347 йиллар) «Федон» асарида Сукротга мурожаат қилиб: «Менинг орқамдан эргашиб, Сукрот ҳақида камроқ, ҳақиқат тўғрисида эса кўпроқ ўйла» деб ёзган. У билан баҳсга киришиб, Арасту: «Менга дўстларим ҳам, ҳақиқат ҳам қадрли, аммо бурч ҳақиқат тарафида бўлиши тақозо қилади», деб жавоб берган. Лютер (1483-1546) эса, «Афлотун — дўстим, Сукрот ҳам дўстим, лекин ҳақиқатни афзал кўраман» деган. Ана шу фикрларни умумлаштириб, Сервантес «Дон-Кихот» романида (1615 йили) «Афлотун — дўстим, аммо мен учун ҳақиқат устун» деган.

«Давлат бу — мен».

Айрим тарихчилар бу гапни биринчи марта Франция қироли Людовик XIV (1643-1715) парламент мажлисида айтган деб, баъзилар эса бу ибора Англия қироличаси Елизаветага (1558-1603) тегишли деб ҳисоблайди. Бу тушуна давлатни, ҳеч нарса билан ҳисоблашмай, мавжуд қонунларни обқосати қилиб, зуравонлик билан бошқаришни ифодалайди.

«У барибир айланади».

Бу фикр буюк италян астрономи ва механиги Галилео Галилейга (1564-1642) тегишли. Ернинг айланishi тўғрисидаги таълимотини ҳимоя қилиб чиққан астрономи инквизициянинг диний суди даҳрийликда айбалаб, адалотсиз равишда жазага ҳукм этганида, олим алам ва туғён билан «У барибир айланади!» деб қичқирган. Бу фикр кейинчалик бирор нарсасга тўлиқ ишонч ва мустаҳкам эътиқодни ифодалай бошлаган.

«Ор-номусдан ташқари барчасини бой бердик».

Франция қироли Франсис I (1494-1547) қўшилари Павин шаҳри ёнида Карл V армияси томонидан янчиб таш-

мавр энди кетса ҳам бўлади».

Ф.Шиллер (1759-1805) қаламига мансуб «Фиеоксинг Генуядати фитнаси» драмасидан олинган бу ибора кинингидир хизматидан фойдаланиб, бир нарсасга эришгач, яхшиликни ба-тамом унутиб юборишдек разилликка нисбатан қўлланган. Драмада мавр, граф Фиеокса Генуянинг мустабид ҳукмдорига қарши республикачилар кўзғолонда ёрдам беради. Галабадан кейин уни бир четга суриб қўйиш-ган, у шу гапни айтди.

«Сукот аломати — ризо».

Бу иборани илк бор милоддан аввалги 496-406 йилларда яшаган буюк юнон шоири Софокл трагедиясида ишлатган.

«Буюклик билан шармандалик ораси бир қадам».

Бу гапни Наполеон рус армиясидан мағлубиятга учраб, Россиядан қочиб кетган пайтда кўп мартаба тақорлаган. Иборанинг илк ижодкори эса француз ёзувчиси Жан-Франсуа Мармонтелдир (1732-1799). У бундай деб ёзган: «Умуман олганда, буюклик билан бақчаналик ёнма-ён юради».

«Герострат».

Кичик Осмёнинг Эфес шаҳрида туғилган Герострат, қандай қилиб бўлма-син, тарихда ўз номини қолдириш иштиёқида шухратрастик авасваси билан (милодга қадар 356 йили) ўша замонда дунёнинг етти мўъжизасидан бири бўлган, гўзал ва улғувор Артемида ибодатхонасига ўт қўйди. Суд уни ўлимига маҳкум этиб, Герострат номини тилга олишни ман этади. Тақиққа қарамай, тарихчи Феопоном Геростратнинг муҳшиш ва жирканч жиноятини ёзиб қолдирган. Кейинчалик Герострат номи шухратрастик йўлида ҳеч қандай жиноят ёки жирканч ишдан қайтмайдиغان ҳамда маданый ёдгорликларни вайрон қиладиган жоҳилларнинг шармандали «шон-шухрати» тимсолига айланган.

«Биздан кейин дунёни сув босмайди».

Дастлаб Франция қироли Людовик XV айтгани таҳмин қилинади. Аммо ўша давр тарихчилари қиролнинг ўйнаши маркиза Помпадуэр (1721-1764) Росбаб ёнида қирол қўшилари жангда мағлубиятга учрагандан сўнг, «Кўп азият чекманг, биздан кейин дунёни сув босса ҳам майли!» деб қиролни овантирган, деб ёзади. Худди шунга ўхшаш фикрни номаълум юнон шоири ҳам айтган: «Менинг ўлимдан сўнг дунёга ўт тушмайди».

«Театр кийим илгичдан бошла-

ди».

Ушбу «қанотли сўз» Москва Бадий театри асосчилари-дан бири К.С.Станиславскийга (1863-1938) нисбат берилади. Лекин бу фикр унинг асарларида учрамайди. Ҳаммақабларнинг эътирофича, бу фикрни у озғайки сўхбатларида айтган. Шунга яқин фикр унинг 1933 йил 23 январь кунини гардероб хизматчиларига ёзган хатиди ҳам учрайди: «Бизнинг Ба-

диий театр бошқаларидан спектакль томошабин залга кириши биланқош бошлангани билан фарқ қилади. Чунки сиз томошабинни биринчи бўлиб кўтиб оласиз...» Айримлар бу фикр театр асосчиларидан яна бири В.И.Немирович-Данченкога тегишли деб ҳисоблайди. Бироқ унинг асарларида бу гап умуман учрамайди. Ҳар қалай, мазкур ибора театр, санъаткор ва томошабин маданияти ҳамда савиясини ифодалайди.

«Фақат ўлиқларгина қоча олмайдими».

Бу ибора муаллифи француз сиёсат арбоби Бертран Барердир (1755-1841). Наполеон тож-тахтдан айрилиб, Муқаддас Елена оролга сургун қилинган чоғда, инглиз кўрикчилари соёқ император яна қочиб кетиб, тахтга қайтишидан кўриб, уни қаттиққўллик билан кўриқлаган. Бундан ранжиган ҳукмдор уларга бундай деган: «Менинг қочиб кетишимдан чўчи-масликнинг биргина йўли бор, холос. У ҳам бўлса, мени маҳв этишдир. Фақат ўлиқларгина қоча олмайдими».

«Фақат биринчи қадамни қийин қийин».

Дастлаб Вольтер ва шу каби буюк инсонлар билан ёзишмалари орқали машҳур бўлган маркиз Дюдефан (1697-1780) айтган бу фикр барча халқларда машҳур.

«Хато қилиш — инсонга хос хусусият».

Илк бор милодгача яшаб ўтган юнон шоири Феогнид асарида учрайди. У; «Дўстларингизнинг ҳар бир хатосидан аччиқланаверсангиз, дўстисиз қоласиз, чунки тирик жон хатолардан холи бўлмайди», деган. Кейинчалик бу иборанинг бошқа вариантлари Еврипидда (милодга қадар 480-406) «Хато қилиш ҳар бир инсонга хос хусусият», Цицеронда «Хар бир одам хато қилади, фақат аҳмоқгина ўжарлик билан ўз хатосини тан олмайдими» деган мазмунда учрайди.

«Биз ҳаммамиз Гоголнинг «Шинель»идан чиққанмиз».

Узоқ вақт мобайнида бу ибора Ф.М.Достоевскийга нисбат бериб келинган. Адабиётшунос олим С.А.Рейсер бу фикр муаллифи француз танқидчиси Эжен Волюэ эканини исботлаган. Эжен Волюэнинг «Ҳозирги замон рус ёзувчилари. Толстой-Тургенев-Достоевский» асарининг рус тилига нутқри таржимаси туйғайли Достоевский бу ибора муаллифи айланган.

«Бой берилган аялод».

Илк бор америкалик ёзувчи Э.Хемингуэйнинг (1899-1961) 1926 йили нашр этилган «Кўёш бариб чиқараверади» романида учрайди. Бу ибора беаъни ва бесамар урушлар, турли ёлгон сиёсий куткуллар гирдо-бига тортилган авлодларнинг бекор кетган умри, вақти ва фаолиятига нисбатан айtilган.

Тўпловчи ва таржимон Жалолиддин САФО

Марказий Осийеда энг йирик дарёлардан бири Амударё узра қурилган Термиз-Ҳайратон кўприги (Афғонистон, Жануби-Шарқий ва Фарбий Осийе мамлакатларига олиб чиқувчи) бугунги кунда шимолни жануб, шарқни гарб билан боғловчи асосий воситалардан ҳисобланади. Бу хусусда гап кетганида, айримлар Амударё узра аввал ҳам ҳозиргидан кам бўлмаган кўприк қурилганини писанди қилади.

Ҳўш, ҳақиқатан ҳам Амударё узра том маънодаги (сув сатҳи кўтариб турадиган ва соқлар устига қурилган вақтинчалик кўприк эмас, балки устулларга таянган ҳақиқий) кўприк барпо этилганми? Очиги, ота-боболаримизнинг йирик бинолар ва сув иншоотлари барпо этиш йўлидаги улкан хизмати, маҳорати камситмаган ҳолда айтиш мумкин-ки, қадимда ва ўрта асрларда Амударёдек чўқур ва кенг, тезоқар, тагга ва четлари асосан қумлоқ сув ҳавзасида бундай улкан иншоотни барпо этиш имкони деярли йўқ эди.

Дарвоқе, XIX аср охириларида Термизни босиб олган Чор Россиясини Амударёда кўприк бўлган-бўлмагани жуда қизиқтирган. Чунки Россия Хинд океанининг иллик сувларига чиқиб олиш нақадар катта аҳамиятга эга эканини яхши билар ва зўр бериб уммон сари йўл изларди. Шу босиб 1879 йили Термизга юборилган Самаря илмий экспедицияси зиммасига бу масалага аниқлик киритиш вафазисси ҳам юклатилган эди.

Текшириш-тадқиқотлар жараёнида Термиз кўприги қолдиқлари деб таҳмин қилинган ёдгорликлар хусусида экспедициянинг бир аъзоси алоҳида тўхташган. Масалан, Н.В.Сорокин «Қирғолардаги тош тўсиқлар хали ҳам бор, ханузга ҳам улкан думалоқ устуллар кўзга ташланиб туради» деб ёзса, ёзувчи ва рассом Н.Каразин эквизида аъзолари айна уричиб, текширишлар олиб борганига қарамай, бу афсонавий устуллардан ҳеч бир нишон топилмаганини қайд этади.

Эски Термиз харобаларини кўздан кечирган француз сайёҳи Г.Бонвало, шубҳасиз, бу — қурилиши бошланган, ниҳоятга етказилмай, ташлаб кетилган кўприк қолдиғи, деган хулосасга келган.

Самаря илмий экспедицияси кундалигида ҳам шунга ўхшаш фикр баён этилади: «Қабодиён мулласидан эшитдикки, Термизда кўприк қурила бошлаган, бироқ подшо Кашма-Сабо даврида бу ишни охирига етказмаганлар».

Бизнингча Амударё устида кўприк қуриш нияти мавжуд бўлгани бу иш амалга ошмай қолган. Таржимон Жалолиддин Мирзо Маҳмуд Гардизийнинг «Тарихи беаъзи» асарига асосланиб, 1025 йили Маҳмуд Фазанвий Амударёда кўприк қуридиган, дейди. Унинг таъкидлашича, занжирлар устига ҳўксиз терилари қолган ва Сейистондан келтирилган катта тошлар билан мустаҳкамланган. «Кўприк шу қадар мустаҳкам бўлганки, — деб ёзади олим, — кўпинлар туя ва ханчиларда бемалол ўтган». Абулфазл Байқаҳий «Тарихи Байқаҳий» асарида Маҳмуд Фазанвий отаси Маҳмуд Фазанвий томонидан қуририлган кўприкдан фойдаланганини таъкидлаб ўтади.



Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

Элсиз шоир эрсиз сулуводир...

Ихранар қария,
Ичлаг ийринг —
Лабидан ёстиққа тўкилганча.
Кўзи очик ухлар, набирасининг —
Каттақон расмига тикилганча.

Ўлиб ётган эмиш тушида ўзи,
Марҳум набираси тирки турганмиш.
Жажжи тирноқларда ерга из чизиб,
Гириттон эмаклаб
Йиғлаб юрганмиш.

Тер сачратиб,
Сапчиб уйғонди бобо,
Тўсатдан узилди суратли эртак.
Қаердадир (кўшми ҳовлидами ёни),
Биғиллаб-биғиллаб йиғларда гўдак.

Деворни кўпориб ўтиб, болани —
«Жоним!» деб бағрига босгиси келди.
Чарқоқдан донг қотган шўрлик онани...
Вожаб!
Негадир... оғсиси келди...

ҚАЛБ ТАБОБАТИ

Табобат билимдони
Абдукарим Усмоҳунжасева

Китобингиз ичра жамулжам
Минг бир дардага дорисиз даво.
Гапнигизча, энг тўқис малҳам
Тан-руҳдаги поклик, соф ҳаво.

Текин табиб эрур сув, кўёш,
Эт чиниқса, Сино шарт эмас.
Соғ юриш-чун компотерфеъл бош
«Мен соғман!» деб дастурланса бас.

Кўнгилни онг этолса бардам,
Яхши бўлса инсон нияти,
Ёнгар юрак ярасини ҳам
Унинг ички имконияти.

Яна албат фарқламоқ даркор
Мол ва одам, овқат ва емни...
Бўлмасам-да гарчи шифокор,
Бу китобга кўшай бир эмни.

Дўст далласи ҳаётбахш азал,
Дард кўзувчи асли ғанимдир.
Ғашга тегмай юрса лоақал,
Шу ғаним ҳам Лўқмон ҳақимдир.

ШОИРНИНГ ХОТИНИ

Таништирган чоғда, одатга кўра,
Қистиришар мансаб ёки зотини.
Уни таништириб, дерлар:
— Манзура...
Шавкат Раҳмоннинг хотини!

Бағрига ёйлар фахртгаъм ҳузур,
Гарчи тирноқ қадар келар ёш тўлиб.

Янги танишига боқар у мағрур,
Эркаги бор унинг бекаси бўлиб.

То эри эркакдек яшаган экан,
Аёлга бу бахтидир, мансаб, мол-дунё...
Лек, «Фалон хонимнинг эри шу» деган —
Довруғдан эркакни асрасин Худо.

ҲАЁТ

Фоний дунё — Нухни сотган жонбозор,
Умринг молдир, ҳар бир лаҳза — жонфуруш.
Ақлингни йиғ, ҳоврингни бос, бўл иқроф:
Бутунинг — бу,
Эртанг — сароб,
Кечанг — туш!

УЧЧАНОҚЛАР

Раҳмат сенга, э бурга,
Қоним ичсанг ҳам, бирга —
Юрдинг оғир қунинда.

Яшолмасди қулдирмай...
Одамларга билдирмай,
Йиғлаб олди ёмғирда.

Биласан-ку, вақтим зик,
Бор, кўчага ўзинг чик,
Янги дўстлар топ, шеърим.

ИГНАБАРГ ШЕЪРЛАР

Элсиз шоир эрсиз сулуводир.

Ерни сўқди осмонга чиққач.

«Бас қил!» деди. Балик гапирди!

Бу қиз гўё музда ўсган тул.

Чексиз маҳит борми Машрабга?!

Бу гўлҳанинг намунча совуқ?

Ёй ўқталди танкага болақай.

Ватанимга оёқ ювиб кир!

ЭЪТИРОФ

«Кир» деб қула «қора»лар «оқ»ни,
Сабрим тугаб бу чалкашлиқдан,
Бир кунгина Худо бўлмоқни
Орзу қилган эдим ёшлиқда.

Йиллар ўтиб англадим, ҳар кас —
Синалар бахт ёки жабрда.
Ҳа, Оллоҳга тенг келиб бўлмас
Ҳеч нарасада, ҳатто сабрда!

ОТАУЛИ

унга ҳамдард-ҳамнафас бўлиб, ўз оиласидаги
бахтсизликларга ўрин қолдирмас эди.

Ўзбек романида Нормурод Шомуродовдан аввал
ва Юсуфбек ҳождидан кейин яратилган том
маънодаги руҳоний зотлардан яна бири «Кулгўр
қон» романидаги Йўлчиридир. Бу қахрамон, кўп
йиллар мобайнида бузиб талқин этилганидек,
«инқилобчи» эмас, ўз номи билан йўлчиридир. Ба-
айни Ҳизр алайҳиссаломдек абадий йўлчи, На-
жиддин Кубродек эл-юртди деб жондан кечган
фидойи зот, илхос кўйиб кўп тикишимиз
мумкин бўлган йўлчи юлдазларимиздан бири...
Тўғри, бу қахрамон Нормурод Шомуродов билан
Юсуфбек ҳождидек олим ва ё диндор эмас,
гирт саводсиз, оми бир мардикор. Лекин у ру-
ҳий қомилликда анча-мунча зиёли-диндорлар-
дан баланд туради. Чунки у ҳўжа, ўз насл-наса-
бига кўра баайни
Ҳўжаи Ҳизр, Ҳўжа
Насриддин афанди,
Ҳўжа Хофиз, Ҳўжа
Аҳрори Валийлар-
дек том маънодаги
руҳоний зотлардан
бири. Ахир у Ҳўжа
Аҳрори Валий туғи-
либ ўсган Богистон
яқинидаги Ҳўжакент
қишлоғида бўлади-да! Йўлчики ҳўжакентлик
экан, тоғаси Мирзакаримбой ҳам ҳўжакентлик,
албатта. Лекин Мирзакаримбой «Ҳўжалар туш-
дан кейин айнидй» деган пичингли мақолда айтил-
ганидек тушдан кейин қорни очиб нафси ҳак-
калак отганида феълй айниган ҳўжа, Йўлчи эса,
хали ёш, асл, айниманг ҳўжа. Шунинг учун ҳам
бу тоға-жиан ҳўжалардан бири бойлик ортти-
риш йўлида ҳар қандай пасткашлиқдан қайтмай-
ди, иккинчиси оддий бир қовуни дехқондан
то ўз тоғасидек урт эгаларига қадар ҳар бир халқ
вақилининг феъл-атвори, дарди-дунёси, аҳвол-
руҳини хусусида жиддий йўларга чўмади. Мир-
закаримбой фақат ўзини — ўз нафсини деб
яшайди, Йўлчи халққа қайишиб, элим деб, юр-
т деб ёниб-қуйиб яшайди.

Бу қадимий заминдаги оддий бир мардикорки,
Йўлчилик элсўяр, ҳақгўй, диёнатли... ҳуллас,
руҳий баркамол руҳоний зот экан, ҳаққиний
зиёлиларни, айниқса, қалам аҳлини руҳоният-
сиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам,
дейлик, Аҳмад Яссавийдан то Абдулхамид
Чўлпонга қадар ҳамки улуғ мутафаккирлари-
миз оддийгина шоир эмас, айни чоғда хожа,
насриддин, низомиддин, фаридиддин, сирожид-
дин, садриддин, сўфизода, ҳўжа, қори, шайхзо-
да... ҳуллас, руҳоний ҳамдир.

Адабиётимиз тарихида бирон-бир шоир ва ё
носиб йўқки у одам боласининг феъл-атвори,
кўнгли мулки, дил дарди, қалб кечинмалари, ҳу-
сусан, ўз замондошлари руҳиятида рўй бераёт-
ган эврилишлар, маънавий қашшоқлашувлар ва
тубанлашувлар хусусида ийтироб-ҳажжон билан
ёзмаган бўлсин. Аҳмад Яссавий бундан қарийб
тўққиз юз йил аввал битган қуйидаги ҳикматли
сатрлар шу қадар замонавий жаранглайдик, ора-
дан тўққиз аср эмас, тўққиз кун ҳам ўтмагандек:

На онода меҳр қолди, на отода,
Ога-ни бир-биринга можарода.
Муслмонлиг даъво қилур, ичур бода,
Мастлаб билан қариндонда тонди, кўрини!

Жиддийроқ ўйлаб қаранг, маъзур сатрлар би-
тилган чоғларда, дейлик, «аборт», «тирик етим»,
«етимхона», «қариялар уйи» каби тушунчалар,
хаттоки булар хусусидаги тасаввурлар ҳам йўқ
эди! Утган тўққиз аср мобайнида одам боласи-
нинг қалбигади меҳр-муҳаббат ҳисси кучайди-
ми-сўсайди, Худо билди, лекин ўз замондош-
лари қалбигади бемехрилик афсус-надомат-

лар чекиб озмунча шўх сатрлар ва шўх асарлар
битилмади. «Меҳр кўп кўргўзимди, аммо меҳри-
боне толмади» деб ёзган эди Алишер Навоий.
«Бошимни силанга бир меҳрибон кўл, бир оғиз
ширин сўз нондек арзанда, Мен одам эдим-ку,
инсон фарзанди» дея бўзлаган эди Фағур Гулом...

Шўх сатрлардан шўх асарларга ўтсак, яна
Фағур Гуломнинг машҳур «Шум бола» асари,
Ойбекнинг «Болалик» ва Абдулла Қаҳҳорнинг
«Ўтмишдан эрталам» киссалари ота-она, қавм-
қариндошдагина эмас, умуман, эл-улус ва ту-
зум-жамятимизда бемехрилик-бешафкатлик кучайган
этимлик, ва руҳий қашшоқлик феължарий
таъсирчан қаламга олинган. Худого шўкур, му-
стақиллигимизнинг шарофати билан асрий озу-
рларимизни ушатиб, дейлик, етимхоналар
«Меҳрибонлик уйлари» дея шунчаки ҳўжа
қурсинга чиройли номланаётгани йўқ, аслида
ҳам шундай моҳият касб этиб, чинакам меҳр-

муруват масканга айланиб бормоқда. Шўро
тузуми даврида одам боласининг бир-бирига
қар-ғазаб ва нафрат кўзи билан қараш атайин
авж олдирилган бўлса, эндиликда, аксинча,
ҳар бир мактаб, оила, маҳалла, қўйинг-чи, бутун
жамятимизда меҳр-мурувват, меҳр-шафқат,
меҳр-оқибат ва меҳр-муҳаббат ўзаро инсоний
муносабатларнинг етакчи тамойили тусини ол-
моқда. Ўз болалигини мустақиллик шароитида
кечирётган ҳозирги авлодга ҳар қанча ҳавас
қилсак арзийди. Бу авлод ҳам ақлан, ҳам жи-
сонан, ҳам руҳан — ҳар жиҳатдан, дарҳақиқат,
соғлом авлод, ота-она меҳри, устоз-мураббий
меҳри, эл-урт меҳри, умуман, меҳрга қониб ул-
ғайётган баркамол авлод. Биздек ўз болалиги-
ни етимликда, йўлида учраган ҳар бир нока-
дан шавқат сўраб кечирган кўнгли синиқ ва
шикастдавл авлод эмас бу!

Бундан йилгирма ўн йил аввал ёзилган «Шавқат-
номли маъжозий ҳикоям орадан етти йил ўтгач,
1989 йилда «ЎЗАС»да эълон қилинган эди. Унда,
жумладан, шалпанг ва зинг қуллоқларга ер қар-
дан элас-элас эшитилаётган қадимий ва ҳазин
қўшиқ сифатида қуйидаги сатрлар келтирилган эди:

Нокас, ҳасис, бедёнат қўллар ҳоким,
Моуланилик ҳаддан ошиб бўлди зolim,
Эй ичда хор бўлдилар дарини, олим,
Ҳеъматли халқинг кофир бўлди, кўринг,
Феълитмишдан бизга ҳўжа содди, кўринг!

Ушбу ҳикматли сатрларнинг мағзини чаққа-
нингиз сайин бадийи ҳижатдан баркамол асар-
нинг улмаслигига яна бир қарра амин бўлавера-
син. Узингиздан қолар гап йўқ, айниқса, шўро
тузуми одам боласининг феълйидаги нокаслик,
хасислик, диёнатсизлик, манманлик, шўхрат-
растлик, мансабпарастлик, пасткашлик, муно-
фиқлик, лаганбардорлик ва бошқа шулар каби
руҳий иллатларни тарихда мисли қурилмаган
даражада гуллатиб-яшатиб юборди. Ва, аксин-
ча, диёнат, саховат, меҳр, шафқат, шайн-шав-
кат, миллий гурур сингари асрий қадриятлари-
мизни ўз қалбларида асраб-авайлаган не бир
қомил инсонларни ҳар боб билан топтаб-тах-
қирлаб, қувгин, сургун ва қатл қилди. Қодирий,
Чўлпон, Фитратдек истиқлолимиз фидойилари-
ни—халқ душмани» сифатида қатли оми қилиб,
гўё халқни бу «душманлар»дан ҳимоя қилган
қимсалар ўтакетган ҳудудсиз — кофир қимсалар
эмасиди, ахир. Жиддийроқ ўйлаб қарасангиз,

Хуршид НУРУЛЛАЕВ



Ўфқда нафасин ростлаган булути

Ўфқда нафасин ростлаган булут
Тоғлар тизмасига аста ёнбошлар.
Чақмоқлар кўк чокни сўқмоқ бўлган ўт —
Булутлар ичда галаён бошлар.

Борлиқ қулоғига том битган каби
Зўр бериб бақирар момақалдирик.
Ўзи ҳам билмайди шамол талабин,
Шоҳларни силкитар, қилгандек сўроқ.

Текис деб қурилган асфальт йўлларнинг
Айбини қўлмақлар шош қилар кўзга.
Кексалар дуога очиб қўлларни
Офатдан асра, деб суратлар юзга.

Ёмғирга қоникмай, табиат дўлини
Афзал кўрган каби қўяди жала.
«Вақтида ёрдамга чўзмадик қўлни»,
Бир бева уйини ўйлар маҳалла.

Дўл тинар, ҳаммаси ўхшайди тушга,
Ён-атроф бир зумга тош қотгандайин.
Икки қизил олма дарахтдан тушган,
Ерда қўкси очик қиз ётгандайин.

Кўнгида энтиқни уйғотар соғинч,
Хаёл тўқнида қалқийди ёдинг.
Қафасга тушган қуш мисоли нотинч.
Мен — ишқинг эзига тушган сайёдинг.

Кўзингдан эътибор истаиди кўнги,
Сўзингдан жой қутиб яшайди исим.
Қалбимда ягона гўл бўлиб унги,
Танангда ўт бўлиб ёнай дер жисим.

Умрини сув текин тикдим йўлингга,
Кўзим дунёсизда яша деб мудом.
Қисматин берилган гўё қўлингга,
Сингиб яшайман, гўё сен худом.

Орзулар кўрсатган ёзғим ўқиб,
Туйсам ҳам ошқикан бахтин чинакам,
Армон дарёсига чўкишдан қўқиб,
Умиднинг этагин тутганман маҳкам.

Кўнгида энтиқни уйғотар ёдинг,
Маънос қўларимда соғинч тўқар ёш.
Мен — сенинг изиндан қолмас сайёдинг,
Юратим — умиддан яралган бардош.

Оёғинг пойини кўксига ўйган
Тўпроқ минг бор мендан бахтлирик.

Садаф баланини лабинга қўйган
Булоқ минг бора мендан бахтлирик.

Тортимай сочининг ўйнаган силлаб,
Еллар минг бора мендан бахтлирик,
Бошиндан марварид сочган сатиллаб,
Селлар минг бора мендан бахтлирик.

Кўзингга қувончинг аксидай қўнган
Тоғлар минг бора мендан бахтлирик.
Булбули сен билан ошно тутинган
Боғлар минг бора мендан бахтлирик.

Бутун атрофингда неки парвона
Бир умр ёнингга бўлмас, бўлолма.
Эртанги кўннинг содиқ ҳамхона,
Ҳеч бири ҳажрингда мендек ўлолма.

Хаёлимга ишқ содди жилво,
Ёрининг ёди тарқ этмас бир он.
Ҳижрон қалбга ёқаркан олов
Ҳаловатга келтирар қирон.

Кўвғиндайман қулбамда бўлиб,
Ташқарида бунча тор дунё.
Дов-дарахтлар қолади сўлиб,
Ҳасратимдан қўйгандай гўё.

Ошқор этар барг қалб рангини,
Рухим каби безовта осмон.
Тутаб ётган ҳазон — баргини
Савалайди ёмғир беомон.

Хаёлимни ювишга ожиз,
Келгандек ёмғир тез қайтар.
Аста чарқлаб овозин — воиз —
Қушлар эски дардини айтар.

Кун ўфқдан этагин йиғмай,
Эрк бермасдан кўздаги намга,
Қайттим келар, дунёга синмай,
Дунёдан кенг бўлган қулбамга.

Заковат — инсонни бўюк этган куч,
Улуғлик — эзгулик бўлган тафаккур.
Туйғулар тунгамас, ойдинликка ўч
Яхшилик қолдирмоқ — суннат, ташаккур.

Ақл — ҳижолатдан асраган неъмат,
Ирода — мақсадга учирган қанот.
Ҳасад — диёнатга қарши хусумат,
Ҳавас — қаноатдан файз тошган ҳаёт.

Яшаш — бахтини англаш, суюш, суюниш,
Севмоқ — танда қалбинг борлигин туймоқ.
Мотам — бандликка қўниш, қунониш,
Оила — сулола тошига янги ном ўймоқ.

Умр — туш ва хаёл яшаб ўтган вақт,
Орзу — қанот қўқиб толмаган истак.
Ишқ — армон юртга соғинч бўлган бахт,
Севги — ҳақиқатга айланган эртак.

Агадуйи зўлар

Бундан йилгирма йилча аввал тошхўвузлик
ёзувчи Райимбой Собировнинг «Инсоф» қисса-
си кўлэмасига қувона-қувона тақриз ёзар экан-
ман, ўзимча орзу қилган эдим: қисса-ку, ўз йўли-
га, лекин... Қани энди «Диёнат» романининг
ёнида тура оладиган «Инсоф» деган яна бир ром-
ан бўлса-да, унда «инсоф» тушунчасининг бу-
тун моҳияти тағ-туғи билан тегиш қўлабда очиб
қўрсатилса... Орадан беш-олти йил ўтиб, ўзбек
бадийи публицистикасида ўзига хос мактаб ярат-
ган отахон адибимиз Иброҳим Раҳимнинг «Кай-
лардасан, жаннатий инсоф?» мақоласини ишти-
ёқ билан мутула қилганимда ўша бир орзу-
миз ўз-ўзидан қатъий истакка айланди. Бундан
ўн икки йил муқаддам ёзувчилар, ноширлар ва олим-
лар иштирокида «Янги давр, янги қаҳрамон» ма-
вузида давра суҳбати ташкил этилгани-
да маъзур истамин муайян тақдир сифатида тил-
га ҳам кўчди: «Қани энди бугунги кунда виждо-
н эркинлиги қўлга киритилган экан, ёзувчи-
ларимиздан бири, масалан, «Шайхулислом» де-
ган бир роман ёзиб берса-да, унда кўп йиллар
мобайнида қувган ва ёмонлиқ қилинган руҳоний
зотларимиздан бирининг руҳий олами ҳам,
денин исломнинг ҳам инсонлар ва тинчлик-
севар моҳияти туш оқиб қўрсатилса...»

Дейлик, шайхулислом Бурхониддин Марғи-
ноий ҳаёти ва фаолияти ҳақида шундай бир та-
рихий роман ёзилсаки, унда ислом ҳуқуқуно-
слиги — фиқҳ илмининг моҳияти билан бир қатор-
да том маънодаги руҳоний зотнинг руҳий ола-
ми атрофида ёритиб берилса!.. Муфти Махмудхў-
жа Бехбудийнинг «Маънавият» нашриётида бир
неча бор оч этилган сайланмаси ва, умуман,
Бехбудий мероси билан атрофидаги танишар
эканман, янги ўзбек адабиётининг қарвонбоши-
си ҳисобланувчи бу руҳоний зот хусусида ҳам
тарихий роман ёзилса экан, деб ўйладим...

Тўғри, кейинги йилларда улуғ руҳоний пира-
лими ҳақида бир қатор тарихий асарлар яратилди.
Саъдулла Сиёевнинг «Яссавийнинг сўнгги сафарини»,
Хайриддин Бегматнинг «Девона Машраб» тарихий
романи, Нам Каримовнинг «Чўлпон» маърифий
романи шулар жумласидан. Бу асарлар барчамиз
учун ўзига қадри, албатта. Лекин руҳоний олами,
руҳият эҳроми, унинг «инсоф» деб аталмиш тага-
мини, айниқса, бугунги кунда одам боласининг руҳи
равониди рўй бераётган гоёт мураккаб жараёнлар,
хусусан, ислом дунёси ва диний экстремизм ўрта-
сидаги муносабатларга доир оламшумул чиқаллик-
лар ва муаммолар... Қани энди бирон-бир йирек
элик асарда ўзининг бетақдор бадийи ечимини топ-
са! Бу асар балки «Шайхулислом» деб аталав,
балки «Рўй равонини», балки «Инсоф дотираси», бал-
ки бошқароқ... Мухими, у бугунги кунда ер юзи-
да яшаб турган олти миллилард одам боласини —
бутун башариётни инсофга қачириб, беҳисоб низо-
нифок ва уруш-жанжалларга барҳам бериш ишига
қўмақлаша оладиган, ҳар бир инсон қалби ва бутун
башариёт руҳидаги ўзига хос эҳромни янада сар-
банд ва пурвиқор қила оладиган, аввал-бошда
тилга олинган арар халқ мақолида нозик ишора
қилингандек, «вақтни ҳам қўрқитадиган» умрибо-
қий асар бўлса!

Илоҳ шундай бир асарни яратиш уларини
«киши руҳининг инженерлари», руҳшўнос, ру-
ҳий олам билимдони деб ҳисобловчи адабиёт
ва санъат ақлига тез орада мўяссар бўлмай! Агар
қимдир шу ўта муҳим ва мушкул ишга қўл уриш-
га журъат қилса, башариёт маънавий дунёси
равнақида беҳисоб ҳисса қўшган руҳок аждодлари-
миз — бири бирадан улуғроқ буюқ зотларни
руҳининг улмас руҳи поклари ўша журъат
соҳибига маддадор бўлмай!

Ижодкор ўзи яратган асар ёки қаҳрамон ҳақида камдан-кам ҳолларда фикр айтди. Бироқ унинг ана шу фикрлари мўҳим. Бу китобхони, бадий адабиёт мутахассисини ёзувчининг ижодий лабораториясига олиб киради, унинг эстетик принципларини билишга, дунёқараши билан ошно бўлишга имконият яратди. Шу маънода Шодмонкул Саломовнинг ёзувчи Назар Эшонқулга бир неча саволлар билан муносабат этиб, қилган суҳбати газетхоналаримизда қизиқиш уйғотади, деган умидда эълон қилаёلمиз. Шундай юзма-юз суҳбатларни газетамизда бундан кейин ҳам бериб боришни кўнглига туғиб қўйдик.

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЛИМИ

Юзма-юз



рамзлар етакчилик қилади. Масалан, Ф. Достоевский каби ёзувчиларнинг асарларида («Ойдин тунлар»), худди сизнинг «Робия»нгизнинг жамалак соҳиларидан таралган ҳушбўйлардек, ёруғлик, ҳаётга муҳаббат, меҳр уфуриб туради. Шундай асарлар ёзишга уриниб кўрганисиз, ёза оласизми?

— Албатта, ёруғ асар ёзиш мумкин. Агар сиз «Ойдин тунлар»ни муҳаббат ҳақидаги энг ёруғ, энг оптимистик асарлар сирасига киритаётган бўлсангиз, мен бу фикрга қўшилмайман. Таъбир жоиз бўлса, мен бу асарни биринчи даражали абсурд асар, қаҳрамонни эса биринчи абсурд қаҳрамон, деб атаган бўлардим. Умуман олганда, абсурд деган атамани сиз қўлаганингиз учун қўллаганман. Аслида атамаларнинг ахамияти йўқ. Ёган одам қандай уйлашади, шундай ёзади. Хар бир ёзувчида ихзор ва инкор имконияти бор. Ихзор ва инкор тасвири услуб деб атасақ, хар бир одам ўзидай услуб яратади. Уни «ғарбу шарқ» оқимларига тақайвериб тўри эмас. «Услуб бу одамнинг ўзидир», деган фикр бор. Яна бир нарса. Камю мансуб экзистенциализм билан

шарқона тасавуф фалсафасини бир солиштириб кўриш керак, деб ўйлайман. Шунда бугун биз «Бу ғарбча қараш» деб атаётган нарсаларнинг ақсарияти ўзимизда ҳам борлигини англаб қоламиз.

— Сизни тасавурига «дош» бера олган ёзувчи, деб биламиз. Тасавури қилинган, пул, умуман, моддий ўз маъносини йўқотса, сиз қандай асар ёзардингиз? Умуман, инсоннинг эҳтижлари даҳолани яратди, деган қараш билан ушбу ҳолатга (моддийнинг маъносизлишига) қандай баҳо берадингиз?

— Пул, моддий, бойлик даҳони ҳам, санъатчи ҳам яратмайди. У, эҳтимол, санъат яратилишига туртки, восита бўлгандир. Шу сабабли, завқни ҳеч қачон моддийга белгиламайди. Агар моддийлик билан ихдор завқи яралганда эди, бугун жаҳод сонни пашадан ҳам кўп бўларди. Инсоният тарихидаги даҳоларни эса бармоқлар билан ҳам бемалол санаётимиз.

— Бугунги ўзбек романчилиги, умуман насли ҳақида нималар дея оласиз?

— Ўзим ўқимган романлар, асарлар ҳақида ҳеч нарса дея олмайман. Кўнглим тўлиб, азобга тушиб ёки завқ қилиб кейинги йилларда миллий романларни ўқимганим йўқ. Бунинг учун ё ўзим, ё ёзувчилар айбдор. Бирон янги асар сотиб олам, бир одамим бор, китобнинг биринчи бетини, уртаксини, кейин охириги бетини ўқийман. Ақсарият ҳолларда шу унча саҳифа уч юз саҳифалик китоб ҳақида менга тўлиқ тасавури беради. Агар шу уч саҳифа мени китобни жиддий ўқишга ундаса, шундан сўнг мутолаага киришаман. Бунди димоғдорлик қилиб айтётганим йўқ. Шунчаки, баъзи асарларимиз шундай бўлиб қолган, деб айтаяпман.

— Модернизм, умуман бадий оқимлар хусусида фикрингиз қандай?

— Модернизм ҳақида ижодий ёки салбий муносабат билдириш — ҳозирги давримиз адабиётшунослигида — XIX асрда Европада урф бўлган — қўнғинга хассан бўлса, оқсурак ҳисобланган, деган нақлга ўхшаб қолди. Мен бу ҳақда гапирганини истамайман. Лекин бир нарсани айтмоқчиман: модернизм олабўжисини яратиш керак эмас. Модернизм — янгилик дегани, янғича тасавури, янғича қабул қилиш, дегани. Унинг бошқа маъноси йўқ. Адабиётни эса олабўжи билан кўриштириб бўлмайди. У хассалардан кўриб эмас, олган ва дид эҳтижи бўлиб янгилавереди, ўзгараведи.

Шодмонкул Саломов суҳбатлашди.

Ҳофиз Шерозий таваллудининг 680 йиллиги
ЖАҲОН ШОИРИ

Шеърӣ Ҳофиз дар замони Одам андар боғи худд, Дафтари насрину гулро зийнати авроқ буд.

(Ҳофиз шеърӣ Одам замонидаёқ жаннат боғида Насрину гул дафтариини варақларини безарди.)

Ҳожа Шамсуддин Мухаммад Ҳофиз Шерозийнинг туғилган йили аниқ эмас. Унинг вафоти «Осори аҷам» муаллифи томонидан 791 ҳижрий йил ва бошқа манбаларда 792, 793, 794 ҳижрий йил деб кўрсатилади. Шойнинг қанча умр кўргани ҳақида ҳам турлича маълумотлар мавжуд: баъзи ривоятларда 46 йил ва «Тақрирайи майхона»да 65 йил деб тахмин этилади. Шу сабабли Ҳофизнинг туғилган йили 1325—1327 милодий йиллари оралиғида деб ҳисобланади.

12 октябр (20 меҳр) куни Эронда «Ҳофизни улуғлаш кунин» деб эълон қилинган ва ҳар йили шу санада Шерозда, мамлакатнинг бошқа шаҳарлари ҳамда жаҳоннинг ҳофизшунослик масканларида турли илмий анжуманлар, ҳофизхонлик кунлари ўтказилади.

Ҳозирги авлод олдида XXI аср юксаклигидан туриб девяри етти аср аввал ўтган Ҳофиз асарларини тушуниши мумкинми? Ҳўш, мабодо тушунганда ҳам ҳозирги информатика асрида, интернет орқали девяри чексиз-чекгарасиз маълумот олиш мумкин бўлган бир асрда Ҳофиз асарларидан қандай янгилик ёки маънавий бойлик орттириш мумкин деган савол туғилади.

Бу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб бериш учун ҳеч бўлмаганда Ҳофиз газалларини ўқиш керак, ўқиганда ҳам форс тилида ўқиш керак.

Ҳофиз газалиётини тўла тушуниб етиш учун етти довонни ошиб ўтиш зарур. Форс адабиётини «шеърӣ Ҳофиз ҳафт парда руй ҳам дорад» (Ҳофиз шеърлари етти пардали) дейишди. Ҳофиз газалиётга астойдил қизиққан кимса бу етти парданинг ҳар бирини кўтарганда ўзгача бир гулшан, ўзгача бир гўзаллик, ўзгача бир маънавий олам гувоҳи бўлади.

Ҳофиз газалиётини энг биринчи парда — тил пардасидир. Шойр газалидаги яширин маъноларни, адоларни, лутфини англаб етиш учун форс тилини мукаммал ўрганиш лозим.

Ҳофиз газалларидаги иккинчи парда, бу — Ҳофиздан аввал ўтган ва унинг замонидаги шойрлар ижодидан хабардор бўлишдир.

Душ аз масҷед суйи майхона омад ширӣ мо, Чисг ёрони тариқат баъд аз ин табдири мо?

(Кеча масҷиддин майхона сари келди пириимиз, Эй, тарикат ёрлари, не бўлғай энди табдириимиз?)

Бу шеър Ҳожи Кермонийнинг худди шу қофия ва рафиддаги шеърига жавобдир. Ҳожи айтиди:

Херге раҳни хонаи хумор дорад ширӣ мо, Ай ҳаме йорон муриди пири соғартири мо.

(Ҳирқани хуморхонага гаровга қўйди пириимиз, Эй, ҳамма ёрлар муридиди пири соғартириимиз.)

Ишқат расад ба фарёи вар ту ба сонӣ Ҳофиз, Кўрӯн зи бар бехони бо чордах ривоят.

(Ишқинг етар фарёда гар оён ҳам Ҳофиз каби Ун тўрт ривоятдаги Кўрӯнни ёддан ўқисанг.)

Бу Кўрӯни қаримнинг ўн тўрт киши баёнида айтилган вариантлари мавжудлиги ишора. Бошқача қилиб айтганда, Ҳофиз газалларидаги баъзи байтлар, ибора ва таркибларни тушуниш учун Кўрӯн, ҳадис ва ислоний манбалардан бобоҳар бўлиш керак.

Бешинчи парда, бу — Ҳофиз муҳитидаги одамларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, иш анжомларидир:

Забоне потеқа дар васфе шавкә мо лол аст, Че жойи келке бўридазабони бихудугаст.

(Шавқимизнинг васфида нотик тил лолдир, Тили кесилган қалами сафсатабозга йўл бўлсин.)

Ҳофиз газалиётини энг биринчи парда, бу — Ҳофиз замонидаги ижтимоий-тарихий воқеалардир. Масалан:

Ии че нурист ке дар даври қамар мибинам, Ҳама офоқ пўр аз фитнаю-ш шар мибинам.

(Бу ой атрофида кўтарилган не гағодир, Борлик дунё тўла фитнаю неча балодир.)

Бу газалнинг мазмунига тушуниш учун ўша пайтда Шох Шужоё саройида



Субҳдам мурғи чаман бо гули навоста гўфт, Ноз кам кўки дар ин боғ басы чун ту шугўфт.

(Субҳдамда чаман куши янги чиққан гулга деди: Камроқ ноз қил, бу боғда сенга ўхшашлар кўп очилди.)

Бу байтдаги «мурғи чаман», «гули навоста» таркибларида «ий-ҳом» санъати бор: «мурғи чаман» «булбул» маъносини ва «булбул», ўз навбатида, «ошиқ» маъносини англатади; «гули навоста» — «энди баалоқатда етган нозанин» ёки, бошқача айтганда, машуқадир.

Бу байтдаги санъатлардан бехабар одам унинг замирида яширинган нозик ҳазил, шўхликини тушунолмайдми. Бу нозик нуқталарни англаб етмаган одам эса унинг бағридаги чукур фалсафий фикрни ҳам тушунолмайдми.

Ниҳоят, еттинчи парда, бу — тасавуф истилоҳлари пардаси бўлиб, ҳамма пардаларни бир-бир кашф этиб энг тереин маъноларга етиб қолган одам ирфоний тушунчаларга етиб боради.

Ирфоний истилоҳлар рамзий маънога эга бўлиб, бу рамзий маънодан бехабар одам шойр ифода-ламоқчи бўлган фикрга тушунмайди. Масалан:

Дилам зи савмаа бегрефт-у херге солус, Кўжот дайри муғон-у шароби ноё кўжо.

(Хонақоҳу хирқадан кўнглим бутунлай қолди, Муғлар дайри қайда-ю, тоза шароб қасири?)

Зоҳиран ҳаммаси тушунарликдек: лирик қаҳрамон узлатга чекилиш ва дарвишлик хирқасидан кўнгли қолган, дайриндлар (муғлар) манзилгоҳи тоза майга ружу қўймоқчи. Лекин булар фақат юзак маъно, асл маъно рамзий истилоҳлар замирида яширинган.

Сирус Шимонинг «Фарҳанги ишороти адабиёти форсий» луғатида шундай изох берилди: «Сўфийлар асарларида «май» дил зангини тозаловчи ва илоҳий ҳақиқатларнинг дил ойнасида жилваланиши боисидир. Майхона сирлар жилваланадиган жойдир».

Демак, бу байтдаги маънони англаш учун «дил», «савмаа», «херге», «дайри муғон» рамзий истилоҳларнинг ҳам тасавуф истилоҳлари луғатидаги таъкирларини кўриш лозим бўлади.

Бизнинг назаримизда, ҳозирги авлод Ҳофиз газалларидаги гўзаллик ва тереин фикрлар, нозик адоларни тўла англаб етиши учун мана шу тўсиқлардан ошиб ўтиши зарур. Ана шундангина, Навоий ҳазратлари таъбирича, «икки оламни бир дов билан ўйнаган...» Ҳофиз Шерозийнинг газалнавислигидаги маҳорати ва у яратган тенгсиз гўзалликлар маъносини англаб етиш мумкин.

Аҳмаджон ҚУРОНБЕКОВ, филология фанлари доктори

— Назар ака, суҳбатимизни ўтган йили нашр этилган «Маймон етаклаган одам» номли тўпламингизга кирган асарлар, хусусан, «Тун панжаралари» ва «Қора китоб» қиссаларидаги қаҳрамонлар ва уларнинг руҳий ҳолатларига доир мулоҳазалардан бошлаш. Хар иккала қисса қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, кечинмалари борасида айрим саволларга эътиборингизни тортмоқчиман. «Тун панжаралари»да «Ҳаётини кашф этиш учун ашамаслик керак», дейди қаҳрамон. Аммо «Қора китоб»да «Ҳаётнинг бутунлай мазмунсиз эканлигини англаб етдим», деган қаҳрамоннингизнинг андуҳи сўнги адашу бўлишига умид боғлаш, айни пайтда унга ачинаиб қарайсиз...

— Бир нарсани олдиндан айтиб қўйишим керак: ушбу тўпламга кирган асарлар шўро тузуми даврида яратилган. Тўпламдаги қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари ҳам ўша даврга хос.

Саволингизда «Тун панжаралари» қиссасидан олинган «Ҳаётни кашф қилиш учун ашамаслик керак», деган хулоса ва «Қора китоб» қаҳрамонининг: «...ҳаётимнинг мазмунсиз эканини англаб етдим», деган эътирофи ўз-ўзидан Камю таърифлаган инсон ҳақидаги абсурд тушунчани ёдга солиди. Агар сиз шу икки жараёни кўриб туриб савол бераётган экансиз, демак, ўзингизда бу саволга жавоб ҳам тайёр бўлиши керак. Шундай бўлса-да, мени эътироф эттирмайсиз, шеклими.

Келинг, юқоридаги хулосага келган иккала қаҳрамон ҳақида гаплашайлик. Нега улар бундай хулосага келишди? Бунга уларни нима мажбур этди? «Тун панжаралари» қиссасидаги қаҳрамон атрофидаги ҳолат ва фикр турғунлигидан безовган, «ўзини ўзи ҳаёлига банд қилган», ўзини излаётган одам. У бу турғунликдан қочиб, ўз кўнглига яширинди. Унинг бор-йўқ исёни шу. Унинг ичда яшашга арзиғулик нарса — сакланиб қолган шу кечинмалар, ҳолос. У шу кечинмалари билан ўзини тирикман, деб ҳисоблайди. У ўзини кашф этаётган, шафқатсизларча сўроққа тутаетган одамдир. Унинг фожеаси ҳам шунда. У ўз хулосаларини ўзининг мавжудлигини исботлашга уринаётган инсон хулосалари сифатида қарашни истайди, яъни у ўзининг мавжудлигини исботлашга уринапти. Умуман, инсон ўзи билмаган, ҳатто энг гофил ҳолатда ҳам кечинмалари эркинликка интилади. Бу кечинмалар ўз эркини ўз хаёлидан, ўз тасавуридан топган. Тасавури билан кўз олдидаги Дунё келишимаяпти, уйғунлашмаяпти. Оқибатда у фақат тасавури дунёсига қолиб кетди. У фаолиятсиз одамдир. Уни хоҳлаганча фаолиятсизликка айблаш мумкин. Аммо унинг энг фаол ижтимоий кишидан ҳам битта фарқи, керак бўлса, усундиги бор: у ўзининг кимлигини билади. У ўзи яшаётган муҳитда ўз исмини, ўз ўрнини, ўз моҳиятини англаб олишга (топишгача ҳали узоқ) уринган қаҳрамон.

Агар разм солган бўлсангиз қаҳрамон ўзининг Робияга, кейин Ҳосилага бўлган муҳаббат моҳаролиридан «асар», «воқеа» яратаётганини йўқ. У муҳаббат моҳаросини ўзини англаш йўлидаги атиги бир восита, деб билапти. Лекин унинг қалби ҳали хис-туйғуга бегона эмас. У гўзаллиқни мукаммал кўришни истайди. Шунинг учун ҳам гўзаллик қалбга чўкишини истайди, фақатгина кўз ёки шунга боғлиқ муносабатларга эмас. Бу ҳолат уни муҳитдан айириб қўйган, муҳит билан у тил топиша олмапти, муҳит уни, у муҳитни тушунолмапти. У ўзининг эзгин кечинмалари ифодаси бўлиши «машқларини» дўстига, муҳаррирга ўқиб беради, улар унинг устидан қилишади. Ана шу вазиятда у ўзининг муҳитга бегоналигини сезиб қолади ва ўз тасавури қобилига беркин олади. У ўзини фикр ва ақл турғунлигидан ҳалос қилиш учун хаёл узлатига, қалбининг турғига чекинади. Қалбининг турғида туриб ўзини англашга уринапти. Уни фаолиятсизликка айблаб бўлармикан?..

Бу ёғи ёзувчининг иши эмас. Ёзувчи ўзини англашга уринаётган қаҳрамонни тасвир қилди, уни қабул қилиш, қилмаслик китобхонларнинг иши.

«Қора китоб» қаҳрамони эса унга қараганда фаолроқ. У ўзини англаб етди. Англаб етдигина эмас, ўзи ҳақида хулоса ҳам қилиб бўлди. Лекин у англаб етган хулоса, ҳаддан ташқари шафқатсиз эди. У ўзининг «мен»ини шу қадар фожеага олиб келган нарса нима, деган саволга жавоб излади. Жавоб излаш оқибатида ўзи яратганини қурбон қилди. Чунки у дафъатан ўзининг қурбон бўлганини билиб қолди. Кимнинг, ниманинг йўлида? Ким ва нима учун? Агар у қундалик ҳаёт тарзини бузамай яшаб келганда, ўзининг қурбон бўлганини ва қурбон бўлаётганини англамасдан, бошқалар каби яшаб ўтган. Лекин у англаш сари юз тутди. Оқибатда ўзининг қайсидир гоё йўлида қурбон бўлганини англаб қолди. У қурбон бўлганда ҳам масҳарамузи тарзда қурбон бўлганди. У ниманики гўзаллик ва озодлик тисмоли деб сизинган бўлса, сизингизни жаҳолат ва қатагон бўлиб қиққан эди. У ниманики эзгулик учун яратган бўлса, ёвузликнинг хизматқорига айланганди. У айбсиз айб-

дор бўлиб қиқди. У адашганини англади. Ҳаётини ўзгартришга қурби келмади. Фақат ўзи яратган гоёга бўлган ишончингизга бўғизлай олди. Қурби шунгагина етди. У бу гоёнинг, бу таълимнинг яна яшаб, ўзи каби миллионлаб кишиларни қурбон қилишни истамайди. Бу қаҳрамоннинг исёни ҳам бор-йўғи шу. Камю айтганидек, бу англаши, ўзини топиш исёнидир. Инсон ўзини англаш сари бораётган экан, тушунлик ботқоқига ботганлардан фарқи ўлароқ, бу қаҳрамон ўзининг ададиши ва ўзининг қурбонлиги сўнги қурбонлик, сўнги адашу, сўнги оғрик тўла ҳаёқирғик бўлиб қолишини истаяпти.

— Шу ўринда, ижод услубингиздан келиб чиқиб, абсурд тушунчани ва унинг моҳиятига муносабатларингизни билдириб ўтсангиз.

— Абсурд одам — ўзини англаб етган одамдир, деган эди Камю. У, яъни ўзини англаб етган одам, худди шу жойдан — ўзини англаб етган жойдан янги тушунчани, янги эътиқодни яратишни бошлайди. Эҳтимол, бу тушунча ва эътиқод ҳам вақти келиб сароб ва абас бўлар. Лекин абсурд одам учун бундай онингнинг ўзида яшаш ва яратиш учун куч топа олгани мўҳим. Ана шунинг учун абсурддир. Худди Сизиф каби. Худди умидлари ўлган жойда гўрдадан бўлса ҳам қайта тирилган Гурўгли каби. Худди банди бўлишини билиб туриб, Чилбир чўлига келган Алломиши каби. Ҳаётининг мазмунсиз эканлигини ҳар гал англаб етиши унга қувват беради, унга янги куч беради, ҳаётни севишга, уни англашга ундайди. У ўзининг энглишини билиб туриб жангга кирган ва ҳамиша мағлуб бўлган жангчининг эслатади. Аммо унинг ҳар бир мағлубияти ўзини, одамни, илоҳиятини англаш йўлидаги ғалаба бўлиб қолавереди. Унинг уқубатлари, унинг изтироби англашиш ва англаш изтиробиридир. Унинг манзили ўзини англаш сари, тасавуф тили билан айтганда «ақли қул» манзилдир.

Камю ёган эди: «Токи ижод завқи яшар экан, дўзахда ҳам қўшиқ айтиш мумкин». Мен бу гапга қўшимча қилолмайман. Аслида ўзим яратган қаҳрамон ҳақида бу хил фикрлаш, фикр билдириш ўта ноқамтарлик. Шу сабабли ўқувчилардан уэр сўрайман. Аммо сизнинг саволингиз мени ноқамтар бўлишга мажбур қилляпти. Мен қаҳрамонларимни ўзим ўйлагандек тушунтирдим. Уни қандай тушуниш китобхоннинг иши. Мен ҳам бу қаҳрамонларни яратган ёзувчи сифатида эмас, бир ўқувчи сифатида ўзим тушунганларимни ёздим.

— Назар ака, қарийб барча асарларингизда тун, қоронғилик каби

Мамлакатимиз китобхонларида ўз тадқиқотисини кутиб ётган нодир қўлёзмалар кўп. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Ҳисорда яшаб ижод этган, «Қиссаи Иброҳим бинни Мухаммад», «Қиссаи шаҳзода Баҳром ва Гуландом», «Қиссаи Ҳамроҳ ва Хурлико», «Равзат уш-шухудо», «Ахтамнома», «Вайс ул-Қаран», «Зайн ул-араб» каби ишқий ва диний мавзуддаги достонлари билан барча туркий халқлар ўртасида машҳур бўлган Собир Сайқалий Ҳисорий ана шундай ўзбек мумтоз адабиётининг муносиб ўрнини топпай қалаётган шойрлардан. Шўро даврида унинг «Баҳром ва Гуландом» достонигина бир қадар ўрганилган, ҳолос. Яқинда танкичи олим Сайфиддин Сайфуллоҳ билан америкалик тадқиқотчи Довуд Хунзирер Сайқалийнинг Мухаммад алайҳиссаломнинг набиралари, Ҳазрат Алийнинг ўғиллари — Имом Хасан ва Имом Ҳусайннинг фожиалий қисматига бағишланган машҳур «Равзат уш-шухудо» («Шахидлар боғи») («Мовароуннаҳар» нашриёти, 2004) асарини нашрга тайёрлаб, чоп эттирди.

С.Сайфуллоҳ ва Д.Хунзирер бу мўҳим ишга қатта тайёргарлик билан киришдилар. Нашрга С.Сайфуллоҳнинг шахсий кутубхонасидаги 1842 йили кўчирилган қўлёзма ва икки тошбосма нусха асос қилиб олинган. Лекин тадқиқотчилар бу билан қиёяланмай, айрим мунозарали ўринларни ойдинлаштириш ва матнни имкон қадар мукаммаллаштириш мақсадида ўз РФА Абу Райхон Бериуний номдаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 8276-, 5603-, 13088-рақамли қўлёзмаларга ҳам муносабат этганлар. Баъзи сўз ва мисраларро тафсувлар матносоти ҳаволисидга кўрсатиб боришган.

Халқ қиссалари ривуда, қадимий жангонмалар усунда энгил ва раво услуб, содда тилда ёзилган бу асар қўлёзмаси ўз даврида қўлпаб нусхаларда кўчирилган, ўтган аср бошларида эса, тошбосма йўли билан нашр қилинган. Достон китобхонлик кечаларинда ишқий, диний, қаҳрамонлик қиссалари қаторида севиб ўқилган. Яқин ўтмишда бу қисса кириб бормаган ёки унинг доврўғини эшитмаган хонедон ҳам

эди. Собир Сайқалий том маънодаги халқ шойри бўлган. «Равзат уш-шухудо», «Имом Хасан ва Имом Ҳусайн қиссалари», «Қиссаи Сайқалий», «Китоби Сайқалий» номлари билан машҳур бўлган бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм аънаънавий муқаддимадан сўнг пайгамбарлар ҳаётидаги асар мавзусига дахлдор воқеалар баёни орқали давом этиб, Имом Хасаннинг фожиалий ўлими билан ниҳоясига етди. Иккинчи қисм Қарбало даштида Имом Ҳусайн ва унинг оила аъзолари асқорларни — ҳамми 72 кишининг шахид бўлиши тасвирига бағишланган.

Қарбало фожиаси — ислом тарихининг энг машҳур саҳифаларини ташкил этади. Муслмонлар

учун Мухаммад хондонининг киргани қилинишидан ортик мусибат бўлмаган. Шунинг учун ҳам шойр: «Тамоми қиссадини пурғусадур ул», дейди. Қарбало фожиага бағишланган 72 кишининг тарихий ва бадий асарларининг сон-саногини йўқ. Шарқ шойрлари ижодида бу воқеа асосий мавзулардан ҳисобланган — махсус «Қарбалонома»лардан ташқари, шойрлар ўз асарларида бу фожиага қўлпаб ишоралар қилганлар.

Асар мутолааси Сайқалийнинг ўзбек мумтоз сўз санъатидаги моҳир қиссанаволардан бири бўлганлигини кўрсатади. Чунки пайгамбарлар ҳаёти, исломнинг ёйилишини қаламга олишдан бошланган бу асарнинг ҳар бир боби бирор тарзда Имом Ҳасан

ши, пайгамбар хондонини ва асқорлар билан боғлиқ энг мўҳим воқеалар гоёт таъсирчан тасвирланади. Чуночки, қиямат кунинда Фотимаи Заҳро бир қўлида жиғарбанди Ҳасаннинг заҳарланган, иккинчи қўлида нуридийадиси Ҳусайннинг қонга беланган тўнини тутиб, Парвардигорни олам хузурига фарёд солиб бориши тасвирланган қуйдаги мисраларни олайлик:

Ҳасан бирла Ҳусайнмон на қилдин? Ул икки нури айини на қилдин?! Менш(ив)дек ким юрота пора бўлмай! Урарман оҳ Аршинг ёра бўлмай!

Ташбеҳ, талмех, тажнис, тақрир, муболага, ирсолои масал, лутф каби қўлпаб бадий санъатларни маҳорат билан қўлпаб, асарнинг

таъсирчанлигини оширганлиги Сайқалийнинг шеърлий салоҳияти биланд шойр бўлганини кўрсатади. Хусусан, муболага санъатини у ҳадди алоҳисга етказган. Жумладан, бир ўринда Расул уч минг ботмон келадиган тошни қўнғинга бир нонни солган каби осмон кўтарди, деса; бошқа ерда Ҳусайн ва ақли байтининг Қарбалода шайхид бўлганларини эшитса, Фотима шундай оҳ урардики, бунга тоқат қилолмай, осмон қаватлари буз каби йиртилди, дейди. Имом Мухаммад Ҳанафининг жанг майдонига кириб келишини «келодур ҳай

Дил изохори

Саҳнада, ҳарир парда остида қизлар рақсга тушадилар. Сен эса табассумли нигоҳ қаршида эриб кетасан! Йўқ, самимият балққан кўзлар қаршида дилинг ёришади. Бугун ҳақдингу шаддинг, жону жаҳонинг юзага қалқади. Ҳаёт гузал қуринади кўзингга. Яшаш мароқли!



Қизарган юзлари билан унга боқади. Кўзлари чақирши, имо заки ила тўла... Бармоқлари эса «кел, кела қолсанг-чи» деб ишора қилаётгандек... Гўё бутун вужуди, қалби шу чақирик ихтиёрида... Энди унга ҳеч нарса тўқинлик қилолмайди. «Йўқ, шовша, наҳотки шундай?» Хаяжонлиб кўллари беихтиёр юзларини яширади. «Мен ҳам севаман, мен ҳам интизорман. Кел, мен ҳам бахтлиман, суюнганимдан ҳозир ўйинга тушишга тайёрман!»

ҲАМИША НАВҚИРОН "ТАНОВАР"...

ижро этилган мусиқа оҳангини ўзича қабул қилади. Маълум байти ёки оҳангдан завқланиб яшайди. Бахисиди гул афроига кўнган капалак у, учиб кетмаслигини орзулаб турасан ўша оҳангларнинг! Еки аксинча, узундан узок шёру достонлар тингланган инсон катта мусиқа асарларига ҳам жон қулоғини тутди-ю, аммо гулзорга кириб на гул бўйини туйиб, на бир дона гул ўзиб чиқиб кетмади каби, хотирадан ўчади уларнинг бари, яъни ҳеч нарса қолмайди тасавуруларида.

Қандай куй-оҳанг бўлмасин, улар бу ҳаракатларни ифода этиб берадилар. Айтилайки, Фаргона водийсининг рақсларида ички кечинмалар, аниқ ҳис-туйғулар, руҳий ҳолатлар устувор бўлса, Бухоро ўйинлари улғурорлиги, кўллари аниқ ҳаракати, гавданинг нозик эгилувчанлиги билан фарқли. Хоразмликлар рақсида шижоат гавданинг қуюндек тез айланиши билан кечади.

«Тановар» фақат рақс эмас, балки хореографик поэма ҳамдир! Аниқ манбаларга қарасак, Мукаррам опа 1943 йили саҳналаштирган «Тановар» дунё кезибди. Ўзбекини, ўзликни оламга танитибди. «Тановар»нинг ашула йўлидан яна бири Мўқимийнинг «Эмди сендек...»и билан айтади. Куй тузилиши жиҳатидан «Фарғонача жонон-2» ашуласига яқин. «Тановар»нинг «Гулбахор» куйи билан кетма-кет ижро этиладиган тури ҳам оммалашган. Барибир, Мукаррам Турғунбоевнинг «Тановар»ини тан оламан. Кўрган сари кўргим келаверади.



«Қора сочим ўсиб, қошмага тушди, Не савдолар менинг бошимга тушди...»

Шундай хикоятлардан бири Девонаи Ҳисомий билан боғлиқ бўлиб, туркий ва форсий тилларда икки девон яратган шоир мўаммо — шёрий топшимоқлар ҳақида ҳамда мусиқа илмига доир трактатлар ҳам ёзган. У сўз устаси сифатида шўрат қозонган, саёхатни яхши кўрган. Она шаҳри Хивадан кетиб, бирмунча муддат Қорақўлда яшаган Ҳисомий Самар қандга йўл олади. Ана шу ерда у илк бор Хожа Аҳрор билан учрашади. Шаҳарга кираришда у Хожи Мухаммад Дашти Қатағоний мақбараси олдида келиб жойлашиб олади ва рундан қотган нон олиб, бемалол ея бошлайди. Рамазон ойи бўлгани учун унинг бу ишдан гўзабланган одамлар атрофга тўпланиб, танбех берадилар. Ҳисомий ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай, нон ёйишда давом этади. Шунда Хожа Аҳрорни бу воқеадан хабардор қиладилар. Воквани эшитган Хожа Аҳрор, айтишлари-ча, отга ялангоёқ миниб, муқаддас даргоҳга елдек учиб келади. Муслмончилик таомилини бузган одамнинг аҳолига қараб, вазиятни тушунгач, мусофирга шундай савол беради: «Эй, гоғил банди, муслмонмисан?» «Алхамдулиллоҳ муслмонман», — дейди Ҳисомий. «Муслмончиликнинг неча фарзи бор?» — деб сўрайди Хожа Аҳрор. «Битта», — деб жавоб беради у. «Бу нима деганинг?» ҳайронликда сўрайди Хожа Аҳрор.

ҲОЖА УБАЙДУЛЛОҲ АҲРОР ЎЗ ДАВРИНИНГ АТОҚЛИ ТАРИҚАТ НАМОЯНДАСИ, ИРФОН СОҲИБИ БЎЛИБ, ЎЗИДАН НИҲОЯТДА БОЙ МАЪНАВИЙ МЕРОС ҚОЛДИРГАН. ТЕМУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ҲОЖА АҲРОРГА ХУРМАТ-ЭҲТИРОМ КЎРСАТГАН, ЭЛУЛУС ОРАСИДА ҲАМ БУ ЗОТНИНГ ОБРЎ-МАРТАБАСИ ЖУДА БАЛАНД БЎЛГАН.

Айни вақтда Хожа Аҳрор мурид ва мухлисларига, аҳли мўминга ҳаммиша меҳрибонлик кўрсатиб, ёрдам бериб келган. Бу улус сиймо жуда кўп истеъдодлар қатори созандаю машойихларга ҳам илтифот кўрсатгани, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлагани ҳақида турли манбалар орқали қўллаб-қувватлаган хикоятлар бизгача етиб келган.

Шундай хикоятлардан бири Девонаи Ҳисомий билан боғлиқ бўлиб, туркий ва форсий тилларда икки девон яратган шоир мўаммо — шёрий топшимоқлар ҳақида ҳамда мусиқа илмига доир трактатлар ҳам ёзган. У сўз устаси сифатида шўрат қозонган, саёхатни яхши кўрган. Она шаҳри Хивадан кетиб, бирмунча муддат Қорақўлда яшаган Ҳисомий Самар қандга йўл олади. Ана шу ерда у илк бор Хожа Аҳрор билан учрашади. Шаҳарга кираришда у Хожи Мухаммад Дашти Қатағоний мақбараси олдида келиб жойлашиб олади ва рундан қотган нон олиб, бемалол ея бошлайди. Рамазон ойи бўлгани учун унинг бу ишдан гўзабланган одамлар атрофга тўпланиб, танбех берадилар. Ҳисомий ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай, нон ёйишда давом этади. Шунда Хожа Аҳрорни бу воқеадан хабардор қиладилар. Воквани эшитган Хожа Аҳрор, айтишлари-ча, отга ялангоёқ миниб, муқаддас даргоҳга елдек учиб келади. Муслмончилик таомилини бузган одамнинг аҳолига қараб, вазиятни тушунгач, мусофирга шундай савол беради: «Эй, гоғил банди, муслмонмисан?» «Алхамдулиллоҳ муслмонман», — дейди Ҳисомий. «Муслмончиликнинг неча фарзи бор?» — деб сўрайди Хожа Аҳрор. «Битта», — деб жавоб беради у. «Бу нима деганинг?» ҳайронликда сўрайди Хожа Аҳрор.



ҲОЖА АҲРОРНИНГ ҚОБИЛИДА ҚОЛДИ. УНИНГ ҚАБИРИ «ИККИ СУВ ОРАЛИГИДА», «СУВ ДАРВОЗАСИ» ДЕГАН ЖОЙДА, ДЕБ ҚАЙД ЭТИЛГАН МАНБАЛАРДА.

СУРХОН МАНЗАРАЛАРИ

Пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида сурхондарёлик рассом Тўра Шомирзаевнинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазмада Рассомнинг 40 дан ошиқ энг сара асарлари намойиш этилмоқда.



Суратларни томоша қилаётиб беихтиёр Сурхон воҳсининг гузал табииати, соддадил ва мард одамларининг ҳаёти билан танишамиз. Мавзуси бир-бирини такрорламайдиган бу асарларда жуда ёрқин ранглар уйғунлашиб, ажиб манзара кашф этади. Масалан, «Ҳаётнинг бошланиши» асарида ёш аёл бўлиб эмишиб ўтирибди. Орқа томондаги йилг эса хумчадан сув сипқормоқда. Бир қараганда ёш оила ҳордиқ чиқараётгандек кўринаса-да, бунда тоғликларнинг ўзига хос ҳаёти акс этган. Тўра ака турғилиб ўсган юртини жуда севади. Рассомнинг мақсади Бойсуннинг бетакрор табииати, содда, меҳнатсевар одамлар-

нинг урф-одатлари, анъаналарини суратларда муҳрамоқдир. Узининг иккинчи кўргазмасини мухлислар эътиборига ҳавола этаётган рассомдан ижоднинг илк босқичлари, шу кунга қадар рангтаъсир оламида эришган ютуқлари ҳақида сўрадик.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Йўлдош Охунбоев номидаги тиббиёт коллежидида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 16 йил тўлиши муносабати билан «Тил — миллат ваджиди» мавзусида адабий кеча бўлди. Тадбирни коллеж раҳбари Миржамол Одиллов очди. Таниқли шоирлар Азим Суён, Мирпўлат Мирзо, адабиётшунос олим Ортинбой Абдуллаев ҳамда ёш шоира Манзура Шамс она тилимизнинг буюк қудрати ҳақида гапириб, ўз ижодларидан намуналар ўқидилар. Аброр Ҳидоят номидаги драма театри актрисалари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Азиза Бегматова, Дано Бобоқонова, Муножат Тешабоевалар ижросидаги саҳна кўринишлари ва куй-қўшиқлар кечга файз бағишладилар.

Ўзбек тили байрамига бағишланган бундай тадбирлар Тошкентдаги давлат Болалар кутубхонасида ҳам бўлиб ўтди. Д.ЖУМАЕВА

САНЪАТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

ИЖОДНИНГ ШИРИН ЗАҲМАТИ

Ноила Москвадан яхши кайфиятда қайтди. Нега ҳам шодланамиз. Шу йили нуфузли халқаро театр фестивали — Чехов театри кунларида иштирок этиди. Қарийб уч ҳафта мобайнида турли давлатлардан келган машҳур театршунослар, режиссёрлар, драматурглар ва актёрлар билан мулоқотда бўлди. Ижодий баҳс-мунозараларда иштирок этди. Сара спектакллари мароқ билан томоша қилди.

Во менинг ҳасратларим, асло жаҳонга сизгамай, Оҳ урсам, дуд димоғимдан сизга сизгамай.

Каттакўргон шаҳридаги 14-кутубхонада шоира Мутриба ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Илгирманчи асрининг биринчи ярмида ўзбек адабиётида ёрқин из қолдирган шоира Саломат Парда қизи Мутриба ёшлигидан Хофиз, Алишер Навоий, Бедил каби мумтоз шоирлар ижодини кунт билан ўрганди. Уларга эргашиб дастлабки шёърларини ёзди.

САРВАРА

Умуман олганда, рассом қалби билан кўради, юраги билан ишлайди. Суратда фалсафа яратиш қийинроқ, фалсафасиз, қуруқ тасвир томошабинни зериктириб қўяди.

Тадбирда қарийб 30 йиллик ижоди давомида рассом 60 дан зиёд спектаклнинг саҳна юзини кўришига ҳиссасини қўшди. Улар орасида А.Островский, Ф.Шиллер, М.Карим, Ф.Лорка, З.Фатхуллин, У.Ҳошимов, Я.Худойкулов ва бошқа ёзувчи-драматургларнинг асарлари бор. Ҳ.Расулнинг «Қора вабо» драмаси асосида яратилган асар республика кўрик-танловига бир неча номинанциялар буйича ғолиб деб топилди. Бунда бош рассом Н.Қораеванинг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди.

Маматали ЭРГАШЕВ, Абдуазиз ҲОШИМОВ

"ИЙДКИМ, ХАЛКИ ЖАҲОНГА БОРДУРУР РЎЗИ САЪИД"

Боши биринчи бетда.

Неъмат Аминов — олижаноб инсон, маърифатпарвар адиб эди. Ёзувчининг ҳажвчилигимиз ривожига қўшган катта ҳиссаси кўпчиликка аён. Адиб республика Маънавият ва маърифат марказида ишлаган кезлари бир неча бор мулоқотда бўлишимга тўғри келган. У кишининг фақат асарларида эмас, ўзаро мулоқотлар чоғида ҳам сўзга катта масъулият билан ёндашишларига, ҳеч қачон бировнинг дилини огритмайдиган, иймонли, мунаваар инсон эканига амин бўлганман. Яратганининг марҳаматида шундай инсонларгина ноил бўлиши кишида асло таажжуб уйғотмайди.

Бу улуг ойда Худонинг марҳаматида эришган устозлар ҳақида ёзганда, яна бир мунаваар сиймони эсламай ўтолмайман. 2001 йили Рамазоннинг дастлабки кунларида навойишунослигимиз ривожига улкан ҳисса қўшган олим, филология фанлари доктори, профессор Муҳаммадхон Ҳақимов вафот этган эдилар. Муҳаммадхон ака менинг ҳам номзодлик, ҳам докторлик диссертациямга илмий раҳбарлик қилган. Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлэмалар институтида бир хонада илмий фаолият билан шуғулланганмиз.

Устоз Алишер Навоий асарларининг республикамиздаги барча фондларда ва хорижий мамлакатларда сақланаётган қўлэмаларини бениҳоя кунт билан, муҳаббат билан ўрганган, ушбу изланишлари самараси ўлароқ «Навоий асарлари қўлэмаларининг тавсифи», «Навоий асарларини кўчирган хаттолар» каби тадқиқотлари яратган эдилар. Бугина эмас. Домла катта ҳажмдаги «Шарқ қўлэмалари истилоҳларининг изоҳли лугати» устида кўп йил заҳмат чекиб ишладилар. Қўлэма манбаларга оид минг-

лаб истилоҳларга мукамал илмий шарҳ ёздилар.

Устознинг илмга қўшган ҳиссаси нечоғли катта бўлса-да ҳеч нарсага даъво қилмас эдилар. Домлани таниган-билган одамлар бирдай эътироф этди: бениҳоя камтарин инсон, заҳматкаш олим эдилар.

Эсимда, эндигина аспирантурага кирган кезларим эди. Муҳаммадхон ака муҳтарам устозларимиздан бири ҳукумат шифохонасида даволанаётганини айтиб, бирга зиёрат этиш таклифини билдирдилар. Бошим кўкка етди. Шундай муътабар олим билан ҳамсуҳбат бўлиш шарафи насиб этаётгани учун шукроналар айтдим. Муҳаммадхон ака: «Фақат маош олган кун борамиз», дедилар. Устоз маошини маошга улаб яшардилар. Ҳеч қандай ортқиқ дарамадга интилмаганлар. Айниқса, ҳаром луқмадан бениҳоя қаттиқ парҳез қилардилар.

Уша кунлари менга — ёш аспирантга уйдан пул юборишган, табиийки, шифохонага бориш учун бозорлик қилиш имконини бор эди. Устозга дарҳол шундай таклиф билдирдим. Домла: «Розиман, фақат маош олгач, бозорлик пулининг ярмини сизга бераман», дедилар. Мен: «Устозлар учун бир марта пул харжласак харжлабмиз-да. Ушим бозорлик қилишимга ижозат бериңг», дедим.

Муҳаммадхон ака бу таклифни қатъиян рад этдилар. Акс ҳолда мен билан бирга бормасликларини айтиб, оғохлантирдилар... Шифохонага бордик. Фаилли сўхбат бўлди. Маош олган кунгек устоз шунчалик илтимос қилсам ҳам бозорлик пулининг ярмини олишга мажбур этдилар. Домла бировнинг (хатто шогирдларининг ҳам) заррача ҳақи ўзларига ўтишига йўл қўймайдиган, ҳалол, парҳезкор инсон эдилар. Бундай сий-

молар Оллоҳ таолонинг марҳаматида энг лойиқ бўлишига ишонсан киши.

Ҳалол луқма билан тарбиялангани натижаси бўлса керак, устознинг фарзандлари иймонли, эътиқодли тадбиркор, давлатманд бўлиб вояга етдилар. Эшонли, эҳтиёжманд кишилардан ёрдамини аямайдиган йигитлар бўлиб камол топдилар...

Рамазон ойининг ҳайитнинг шарофати, фазилатлари ҳақида фикр юритаётган эдик. Бу ойда бандлик қилиш ҳам нечоғли улуг марҳамат экани ҳақида сўзладик. Бундан рамазон ойдан бошқа пайтда вафот этганлар Тангри таолонинг марҳаматида лойиқ эмас, деган маъно келиб чиқмайди, асло. Умрини миллий маънавиятимиз, адабиётимиз ривожига сарфлаган, икки рамазон ораламида бандлик қилган муҳтарам устозларимиз — Абдуқодир Ҳайитметов, Матқўб Қўшжонов, Салоҳиддин Мамажонов, Абдураҳим Абдуғафуров, Раҳматулла Иноғмов, Рауф Парфи, Шукур Холмирзаев, Ҳамид Фулом... барчалари, шубҳасиз, хурматга, эҳтиромга лойиқ инсонлар эдилар. Оллоҳ таоло ҳаммасини раҳматига олсин.

Ҳайит — қувончли кун, саодатли бир айём. Шундай кунда муҳтарам устозларни эслашимиздан мурод — инсон, унинг аъмоли, унинг зиммасига юкланган масъулият ҳақида фикрламоқдир. Эро, фикрлашдан тўхтамоқ — яшашдан тўхтамоқдир. Улуғ байрам — поканиш, саодат айёми бўлган Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин. Муборак рамазон шарифда қилинган ибодатлар, дуолар Ҳақ таоло ҳузуринда қабул бўлсин. Жаннатноманд юртимиз, хонадорларимиз файзга, баракага тўйсин!

Нурбой АБДУЛҲАКИМ

Дунё — кенг...



Ёмон ухлайдиган одамдан кўрқинг

Одам умрининг учдан бир қисми уйкуга сарф бўларкан. Уйкусини бошқара оладиган одамгина ўз соғлигини йўлга солиши мумкин, дейишади мутахассислар. Бунинг учун қушуйку бўлиш керакми ёки тўйиб ухлаган маъқулми? Одам қанча ухлайди керак: соғлом бўлиши учун уйку қанча вақт давом этиши лозим?

Ҳамма учун бир хил меъёрни тақлиф этиб бўлмайди. Хар кимнинг эҳтиёжи хар хил. Бировлар узоқ вақт ухлайди, бошқалар кам ухлайди. Масалан, Алберт Эйнштейн 10 соат, Гюго ва Черчилл атиги 5 соат ухлашган. Машҳур хонанда Мирей Матье ўзининг ҳусни ва соғлигини кунига 12 соатли уйку билан сақлаганини айтган.

Мутахассислар уйку ирсият билан боғлиқлигини таъкидлашиб, киши ўзини кам ёки кўп ухлагга мажбур қилса, соғлигини хавф остига қўйишини ўқитишади. 6 соатдан кам ухлагга мажбур этиш ўлим хавфини 0,4 бараварга тезлаштиради.

Ёмон уйкунинг сабаблари нимада? Ҳозирги медицинада бунинг 80га яқин сабаби аниқланган. Улар орасида кенг тарқалгани асабийлик, руҳий безовталиқ. Бу сабабларни бартараф этиш учун дори-дармон қабул қилганда, уларнинг «нафи» тағин уйкусилликни пайдо қилади.

Ҳаммаси инсоннинг ўзига боғлиқ, дейишади мутахассислар. «Бахт гармонлари» уйкунинг ягона давоси. Бу гармонлар бизнинг фаолиятимиз, ҳаётий фалсафамиз, дунёқарашимиз ва фелъ-авторимизда. Уларнинг қанақалиги уйкумининг оромини ёки азобга айланадигани таъминлайдиган омиллар. Зотан, Фридрих Ницше: «Ёмон ухлайдиган одамдан кўрк», деб бекорга айтмаган.

«ФУТБОЛ МАВСУМИ ТУГАДИ...»

Машҳур ёзувчи Хантер Томпсоннинг ўз жониға қасд қилиши олдидан ёзиб қолдирган хати эълон қилинди. Яқинда газетамиз («ЎзАС», 2005 йил, 16 сентябрь сони, «Хантер Томпсоннинг «ғоззо-си») америкалик ёзувчи ва журналист Хантер Томпсон ҳаёти ва ўлими ҳақида қисқача маълумотни бериб берган эди. 2005 йил Хантер чинтоғидан отиб, ўз жониға қасд қилганди.

Адибнинг таржимаи ҳолини ёзган Дуглас Бриннинг фикрича, Хантер Томпсон февралда ҳаёт билан видолашган, бу вақт унинг учун энг оғир ой ҳисобланган. Гап шундаки, Томпсон америкача футболни жуда яхши кўрган, бу ўйиннинг ашаддий ишқибози бўлган. Январ ойи эса унинг ҳаётида энг жушқин ой ҳисобланган, шу ойда суперкубок финал ўйинлари ўтказилади. Феврал ойига келиб футбол учрашувлари тугагач, у ўзини руҳан эзилган ҳис этган. Бу ҳол хар йили унинг ҳаётида такрорланиб, кўнглини чўктиради.

Ўз жониға қасд қилишдан тўрт ой олдин Хантер ўлим олди хатини ёзиб, унга «Футбол мавсуми тамом бўлди» деб сарлавха қўйган. Хатни у хотини Анитага қолдирган. Яқинда «Роллинг стоун» журнали ана шу хатни эълон қилди:

«Бошқа ҳеч қандай ўйин йўқ. Бошқа ҳеч қандай бомба йўқ. Ҳеч қандай сайр. Ҳеч қандай кўнгличорлик. Бошқа сузиш мумкин эмас. 67. Бу 50 ёшдан 17 йил кўп. Менинг хоҳлаганимдан, менга керагидан 17 йил ортқ, Зерикарлик. Мен асабийлашадиган бўлиб қолдим. Ҳеч кимга ёқмайман. 67 ёш. Очқўз бўлиб қолсан. Бас қил, ўзингни ёшингга яраша туг. Бўшагин. Оғриқли бўлмайди».

Бу Хантер Томпсоннинг — кейинги ўттиз йилда АҚШнинг энг ўқилиши ёзувчиларидан бирининг сўнги ёзган сўзлари эди.

ТУҒИШГА... АТАМАН БУЙРУК БЕРАДИ

Россияда аҳоли сонининг камайиб бораётгани анчадан бери матбуотда қайд этиб келинаётган, бу борада статистик маълумотлар эълон қилиниб турилибди. Албатта, мазкур муаммо бўйича россиялик мутахассислар ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини ҳам айтишаётган.

Улар қатори ростовлик атаман Сергей Сенки ҳам ажабтовур буйрук билан бу муаммони ўзинча ҳал этишга киришган кўрилади.

Унинг чиқарган буйругида, жумладан, шундай дейилади: «Оилали казаклар болалари сонини иложи борича кўпайтирсинлар, бештадан кам бўлмасин».

Атаманиннг фикрича, хар бир казак оиласида хар 2-3 йилда бола туғилиши керак, шу тариқа «мамлакатда демографик вазият яхшиланадигани эришилади». Буйругиға бўйсунмаган қавмдошлари билан атаман жиддий гаплашиб қўйишни — бундайларни жамоадан ҳайдашгача боришини тайинлаган. Даровке, туғиниш кўпайтириш учун атаман нафақат камчини ишга солимоқчи, айна пайтда у буйруққа бўйсунганларни муқофотлашни ҳам режалаштирган. Унинг буйругиға кўра, беш нафар болани ўстираётган оиллага хар ойда казак жамоаси хазинасидан 1 минг рубл муқофот пули бериб борилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси

Сабриддин САДРИДДИНОВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва дўст-биродарларига чўқур ҳамдардик изхор этади.



Алломонинг сўнги сурати. Бўстонлик, 2005 йил 14 август.

Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

УСТОЗЛАР ЁДИ

Бу кун нолаларим ноламдан ўтди,
Умр қоғоз билан қаламдан ўтди.
Кетди айтилмаган қанчалар калом,
Қанча шеър ва баёт оламдан ўтди.

«Ажал ов қиларми якка-яккалаб?»
Тўра Сулаймону
Шукур акалар...
Озод домла янглиғ сўз кўрғонлари
Кетдилар. Дилларда ёд армонлари.
Қанча сабру сабот оламдан ўтди,
Гўё адабиёт оламдан ўтди.

Сирожддин САЙИДИ

Юсуф Хос Ҳожиб «Қутаду билиг» асарига қаҳрамонлар суҳбати, воқеалар тафсилоти давомига қадимги донишмандларнинг ўнгитлари, туркий мақоллардан келтиради. Ўрни билан ўзи ҳам панду насиҳатлар улайди. Қуйида ана шу ҳикматлардан намуналар ўқийсиз.

Кшидан кишиға қолари сўзидир,
Оталар сўзин тутса, фойдаси юзидир.

Икки турли отки, бу тилда юрур,
Бир яхши, бир ёмон дунёда қолаур.

Кўп сўзлама сўзни, бир-бир сўзла, оз,
Туман сўз туғунин бу бир сўзда ёз.

Ўзинг мансу эмас, отинг мангудир,
Отинг мансу бўлса, ўзинг мангудир.

Билим сўзласа сўз билимга сапуур,
Билимсининг сўзи бошини еор.

Билимсизга тўрдан берилса ўрин,
Бу тўр пойгак турур, пойгак эса — тўр.

Мана бир
соният

Юсуф Хос ҲОЖИБ

ЎЗГУЛИК ҚАРИМАС, МАНГУДИР ЁШИ...

Допога тегса гар пойгакдан ўрин,
Бу пойгак тўрдан ҳам азирок бўлаур.

Эзгулик қилавер, эй эзгу киши,
Эзгулик қаримас, мангудир ёши.

Давлат оқиб келса, чопса омади,
Камсуқумлик билан беркласин уни.

Укув кўрки тилдир, тилиннг кўрки — сўз,
Киши кўрки юзидир, юзининг кўрки — кўз.

Хулки яхшиларни барча халқ севаур,
Хулки тўғри бўлса, тўраа етишар.

Енгил, шўхалокўннинг бари қилмиши
Жаҳолатга бошлар унинг хар иши.

Билимга билги тугал тўн, ошдир,
Нодоннинг қилмиши ёвуз қўлошдир.

Ростлик, шарму ҳаё ва сўзга қилинч,
Учои бирикса, бўлади севинч.

Барча ишда афзал босиқлик турур,
Фақат ибодатга шошилинч, югур.

Шўр сув янглиғ эрур дунёнинг моли,
Ичган билан қопмас, хўлланмас тили.

Бу дунёдан бойлик тиласанг ўзинг,
Тўғри бўл, тўғрилик узра тут сўзинг.

Сўқ киши тўймағай, шудир аҳволи,
Кўзи суққа етмас дунёнинг моли.

Кичикликда билса ўғил-қиз нени,
Қараб ўлмаганча унутмас уни.

Тангри берганини инсон йиқолмас,
Қаро ер, мовий кўк ўчлашганда ҳам.

Фазилат — хунларни билса тугал,
Йироқ турса ундан эроқсиз, маҳол.

Кичик эркан ўраёт ўғилга билг,
Кичикда билим олса, баланддир илг.

Укув машъал турур, сўқир кўзга кўз,
Улик танга жондир, тили лолага сўз.

Жаҳон аҳли барча унга бўйсунар,
Жаҳонни олар у, тилакка етар.

РЕМБРАНДТМИ ЁКИ...

Буюк расом Рембрандтнинг «Йигит автопортрети» картинаси эллик йилдари Ливерпулдаги «Walker Art Gallery» да сақланади. Экспертлар ушбу картина баҳосини 7 миллион фунт стерлингга (12,5 миллион \$) баҳолашган...

Аммо яқинда ўтказилган экспертиза хулосасидан сўнг картина шубҳа остида қолди. Ҳамма гап шундаки, «Йигит автопортрети» синчилаб ўрганиб чиққан таникли санъатшунос Эрнест ван дер Ветеринг картинани Рембрандт чизмаган деган хулосага келди. Экспертнинг фикрича суратни машҳур расомнинг шогирдларидан бири яратган.

Хозирча «Walker Art Gallery» мута-



садилари бу хулосани тасдиқлашгани йўқ. Бирок бу борада кўпчилик Амстердамдаги Rembrandt Research Project институтининг йирик мутахассиси ҳисобланган Эрнест ван дер Ветерингнинг ҳақлигига мутлақо шубҳа қилишаётгани йўқ. Чунки у картиналар бўйича нодир мутахассис бўлиб, дунёдаги санокли мутахассислардан бири. Айна вақтда мутахассис киролича саройида сақланаётган ва Рембрандтга тегишли деб тахмин этиладиган яна икки картина: «Тюрбандаги болалар» ва «Момолар»ни ҳам ўрганиб чиқишга қарор қилган.

ДЕПАРДЬЕНИНГ ҚАРОРИ

Машҳур француз актриси Жерар Депардье кинематографиядан кетиш



тараддудида. Бу ҳақда «Le Pavisien Dimanche» журнаliga унинг ўзи маълум қилган. Агар актёр уртаденгизликларга хос феъли билан сўзида қаттиқ туриб олса француз киноси энг яхши актёрларининг биридан жудо бўлади.

Айна вақтда 56 ёшга тўлган актёр турли таклифларга рад жавобини бериб, суратга тушишдан тийилиб турибди.

207 МИЛЛИОНЛИК «КИНГ-КОНГ»

Питер Жексоннинг «Кинг-конг» фильми Голливуд тарихидаги сўнги энг қиммат филм бўлди. 14 декабрда премьераси бўлиб ўтиши кутилаётган 2 соат 40 минутлик ушбу филмга 207 миллион АҚШ доллари сарфланган.

Кинофилм Янги Зеландияда суратга олинган. Кинг-конг киёфасини актёр Энди Серкис яратди. У «Узуқлар ҳукмдори» трилогиясида Горлум образини экранга олиб чиққан эди. Янги «Кинг-конг» фильми 1976 йилда яратилган «Кинг-конг»

дан кўра яхшироқ ишланди», дейди филм яратувчиларидан бири Наоми Уоттс.

Филмдаги махсус эффектлар Weta Ltd компаниясида компютерлар ёрдамида суратга олинган.

15 ЙИЛДА 900 МИЛЛИОНЛИК ЙЎҚОТИШ

Россиялик қонун ҳимоячилари 55 минг донга йўқолган санъат буюмларига нисбатан халқаро кидирув эълон қилган. Бу буюмлар собиқ иттифоқ иқтисодида қайин 15 йил ичида мамлакатдан ўғирлаб кетилган бўлиб, умумий суммаси 900 миллион АҚШ долларини ташкил этади, деб ёзади «The Sunday Times» газетаси.



Шу вақтга қадар ҳукумат томонидан 3,4 минг картина, 37 минг икона ва бир ярим минг ноёб китоб ҳамда заргарлик буюмлари, тангалар ва музика асбоблари қайтарилган. Улар музейлар, черков ва хусусий коллекциялардан ўмарилган экан.

Айна вақтда рус изкуварлари 700 донга ноёб санъат ашёларини қидирмоқда. Улар орасида Санкт-Петербург Эрмитажидан ўғирланган, нархи 900 минг доллардан ортқ бўлган XIX аср француз рассоми Жан-Леон Жерам қаламига мансуб «Харамдаги ҳовуз» картинаси ҳам бор.

ШЕКСПИР ЭМАС...

Картиналар борасида яна бир но-



хуш янгилик. Лондон миллий портретлар галереяси шу вақтга қадар Уилям Шекспир портрети деб келинган суратдаги киёфа адибники эмас деб эълон қилди. Тўққиз ойлик торттишувлардан сўнг мутахассислар шундай қатъий қарорга келган. Суратда буюк инглиз драматургининг киёфасига ўхшаш бирорта тасвир йўқ, дейишди улар.

Портрет 1588 йили яратилган. Шекспир ўшанда 24 ёшда бўлган ва портретда чизилганидек башанг кийинишга қурби етмаган. Бу вақтда у қашшоқ актёрлар труппасида дайдиликда юрган, деб ўз қарашларини мустаҳкамлаган санъатшунослар.

МОНРОНИНГ КЕННЕДИГА СОВФАСИ

Нью-Йоркдаги аукционда 1962 йили Мэрлин Монро томонидан АҚШнинг экс президенти Жон Кеннедига совға қилинган Rolex олтин соати 120 минг долларга сотилди. Соати ўз исмини ошкор қилишни истамаган ху-



МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ Вазирлиги, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Маълумоти: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибхона — 136-56-50

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Иجتимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48

Бош муҳаррир Аҳмадхон МЕЛИБОВ

Редакция келган қўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланши мумкин.

Навбатчи — Абдулхамид МУХТОРОВ
Саҳифаловчилар — Байрамали МУҚИМОВ, Нодир МАМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 3330. Бюртма Г — 151. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН